Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 165 (20. 432) • 1989 йил 15 июль, шанба • Баҳоси 3 тийин.

Франция Республикасининг Президенти жаноб Франсуа Миттеран олий ҳазратларига

Ҳурматли жаноб Президент,

Франциянинг миллий байрами — Бастилия олинган кун, Буюк француз революциясининг 200 йиллиги муносабати билан совет халқининг самимий табрикларини қабул қилгайсиз.

Унинг барҳаёт шиори «Озодлик, тенглик ва қардошлик!» бизнинг давримизда ҳам барча тараққийпарвар кишиларни илҳомлантириб келмоқда. Ҳозирги ўзаро боғлиқ дунёда бу ғоялар янгича тафаккур ўзанида янги мазмун билан бойимоқда. Француз ва совет халқларини янада хавфсиз, инсонпарвар ва демократик дунёга, «Умумевропа хонадонини» барпо этишда биргаликда меҳнат қилишга интилиш яна ҳам яқинлаштирмоқда.

Яқиндагина Франция пойтахтидаги учрашувимизнинг бутун муҳити, сиз билан бизнинг мулоқотимиз, музокараларимиз ва ўша кунларда имзоланган битимларнинг мазмундорлиги, кўламлари ва аҳамияти шундан далолат беради. Буларнинг ҳаммаси халқларимиз, Европа ва дунё фаровонлиги йўлида Совет — Франция икки томонлама муносабатлари қудратини анча оширади.

Барча француз аёллари ва эркакларига тинчлик ва равнақ тилаб билдирган энг яхши истакларимни етказгайсиз.

Ҳурмат билан

М. ГОРБАЧЕВ.

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ

КПСС Ленинград область комитети пленуми қатнашчилари ҳузуридаги нутқи

Ўртоқлар! Пленумнинг, партия активларининг ишидан, область партия ташкилотидаги ва Ленинград шаҳридаги вазият ривожининг шу масъулиятли босқичида область партия комитетининг янги биринчи секретари масаласи қандай муҳокама этилиб, ҳал қилинганидан мамнунман.

Бу масалани биз биргаликда ҳал қилганимиз яхши бўлди. Партия Марказий Комитетининг фикрича, айниқса Марказий Комитетнинг жуда катта имкониятларга эга бўлган энг йирик, энг тажрибали, чиниққан ташкилот — Ленинград партия ташкилоти билан муносабатлари айни шундай бўлиши керак. Ленинград партия ташкилотининг фаол иштироки,из умуман ва айниқса жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги бурилиш ва ўз тақдирини белгилаш даврида КПССнинг муваффақиятли фаолиятини тасаввур эта олмайман.

Ленинградликлар рўй берган қийинчиликларни ўз партия ташкилоти билан биргаликда ҳал этиб олишларидан ҳаммамиз астойдил манфаатдормиз. Партия ташкилотларининг ва барча коммунистларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг меҳнаткашлар билан алоқасини мустаҳкамлаш орқали бунга эришиш мумкин. Бизда бунинг учун зарур бўлган ҳамма нарса бор.

Менинг бу ерга келишимнинг асосий мақсади сизларга равшан. Мен ўз ваъдамни бажариб, ижроликлар билан учрашишни ҳам режалаштирган эдим. Бу коллектив билан танишув, норасмий, ошкора вазиятдаги суҳбатлар иқтисодий, социал турмушимиздаги ўзгаришларнинг миқёслари ва руҳини, ишчилар синфи орасидаги кайфиятлар маромини яна бир бор ҳис қилиш имконини берди.

Ижроликларнинг қайта қуриш тақдири учун, Ленинград шаҳри ва областидек муҳим сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий марказдаги ишларнинг бориши учун ижроликлар олаётган хавотирликни яхши тушундим. Ишчилар билан бўлган суҳбатлар таассурот остида ва кеча район, шаҳар партия комитетларининг секретарлари билан обкомда бўлиб ўтган фикрлашувлар таъсири остида менда баъзи бир долзарб масалалар хусусида асосий фикрларни гарчи қисқача таърифлаб бўлса ҳам айтиб ўтиш эҳтиёжи пайдо бўлди.

Партия билан мамлакат ҳозир ўз тарихининг мураккаб, эҳтимолки, энг мураккаб даврларидан бирини бошдан кечирмоқдалар. КПССнинг ташаббуси билан авж олдириб юборилган ижтимоий турмушни революцион тарзда қайта қуриш ҳозир жамиятнинг чуқур қатламларига кириб бормоқда, аҳоли барча гуруҳларининг ҳаётий манфаатларини қамраб олмоқда. Биз яшаб турган пайтнинг хусусияти мана шундан иборат. Биз шундай бўлишини олдиндан билган эдик.

Қайта қуриш сиёсати — жамиятимизда вужудга келган амалий вазиятга мос бўлиб тушадиган, одамларнинг манфаатларига мувофиқ келадиган сиёсатнинг ўзгинасидир. Бу сиёсатнинг ривожланишида энди иккинчи ва энг муҳим босқич — биз ишлаб чиққан концепцияни амалда рўёбга чиқариш даври бошланди. Қайта қуриш хусусидаги, биз уни қандай тасаввур этаётганлигимиз хусусидаги кўпгина мунозара ва митинглар даври ўтди. Шундай бўлиши зарур эди. Бу давр жамиятни уйғотди, фикр ҳаракатга келди. Ҳар бир кишининг бу хусусда айтадиган гаплари борлиги аниқланди.

Қайта қуриш концепциясининг турмуш билан яқинлашуви ҳақиқатан ҳам ҳар бир кишини қўзғатади, ҳамма соҳани: экономикани, сиёсатни, социал ва маънавий соҳаларни қамраб олади. У меҳнат коллективларига таъсир қилади, Советларни, партияни, бошқарув органларини, армияни, маъмурий органларни, илм-фанни, маданиятни, миллатлараро муносабатларни ўз ичига олади.

Бизнинг юртимиздек бепоён мамлакатда қайта қуриш ишларининг кўлами улуғвордир. Биз қандайдир пардоз-андоз, юзаки иш билан чекланмасликка қарор бериб, жамиятимизни революцион тарзда ўзгартириш йўлига ўтдик. Қайта қуриш жараёнида қийинчиликлар, зиддиятли ҳодисалар, манфаатларнинг тўқнашувлари рўй бераётганини кўриб турибмиз. Бунинг сабаблари маълум. Биз мамлакатни ва жамиятни бошқаришнинг эски усулларидан, одат бўлиб қолган сийқа фикрлар ва ҳаракатлардан воз кечяпмиз. Биз бўйруқбозлик-маъмурийчилик усулларидан, зўрликдан, давлат, ҳўжалик, совет, жамоат органларининг вазифаларини қоришитириб юбориш ва такрорлашлардан воз кечяпмиз. Биз инсоннинг мулкдан, ҳокимиятдан, маданиятдан бегоналашувига барҳам беряпмиз. Шу мақсадларни деб октябрь революцияси қилинган эди.

Ҳозир биз ўтмишда йўл қўйилган хатоларни тузатиб, одамни улуғлайдиган, ижтимоий муносабатларга, жамият турмушнинг барча соҳаларига инсонпарварлик ва демократия руҳини бахш этадиган, жамиятда социал ҳимояланиш ва адолатни оширадиган чинакам социализм қадриятларини тиклашга интиляпмиз. Бу эса, ўртоқлар, башарти, жамиятдаги социал ҳимояланиш ва адолат ҳақида гапирадиган бўлсак, бараварчилик одатларини ва тайёрга айёрлик кайфиятини қатъиян бартараф этиш билан боғлиқдир.

Агар биз бараварчилик тенденциясини тугатмас эканмиз, қўйилган мақсадларга эриша олмаслигимизга ишончим комил. Бараварчиликнинг илдизлари ўтмишга бориб тақалади, ўртоқлар. Азалданоқ сиз билан биз тақсимлашга, бараварлаштиришга ўргатилганмиз. Бу эса ишлаб чиқаришга, меҳнат унумдорлигига зарба уради. Меҳнат унумдорлигига, бинобарин, турмушнинг сифатига ҳам зарба уради. Башарти бараварчилик тенденцияларини, жамиятимизга жуда ўрнашиб қолган бараварчиликка барҳам бермас эканмиз, кўнгилдагидек чинакам қайта қуриш бўлмайди. Бу ҳақда рўй-рост гапирмоқ керак.

Инсон муайян даражада социал ҳимояланган бўлиши зарур, албатта. Бироқ, кейинчалик, бу даражадан юқорида: ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша, деган принцип тўла ҳажмда амал қилиши керак. Бусиз силжиш бўлмайди. Ўртоқлар. «Даэмол билан текислаб силлиқланган» жамият — истиқболсиз жамият. Бу ҳолда биз бир жойда депсиниб тураверамиз. Бинобарин, биз экономикада ҳам, сиёсий жараёнда ҳам, миллатлараро муносабатларда, бутун маънавий соҳада ҳам турмушнинг янги шаклларини ўзлаштириб олишимиз лозим. Буларнинг ҳаммаси мураккаб, буларнинг ҳаммаси, аввало, биз ўз тафаккуримизни, ўз фикрларимизни ва ҳаракатларимизни ўзгартиришимиз билан алоқадор.

Шу сабабли биз ҳозир мамлакат етиб келган босқични ўтиш босқичи деб атаяпмиз. Бу барча революцияларда доимо қийин, оғриқли босқич бўлади, чунки эски усуллар синдириб ташланади ва айни вақтда жамият турмуши ҳамда ҳаракатларининг янги шакллари вужудга кела бошлайди. Бошдан кечирилаётган пайтнинг моҳияти, қисқа қилиб айтганда, мана шулардан иборат.

Фикр-ўйларимиз кескинлик ҳам, саросималик ҳам мана шундан келиб чиқмоқда. Айнан бир хил воқеа ҳақида жамиятнинг турли тоифалари ва қатламлари мутлақо турлича гапириб, ҳар хил баҳо бераётганларидан иборат галати фактларга кўпинча дуч келиб қоляпмиз. Фикрлар, мулоҳазаларнинг тарқоқлиги мана шундан келиб чиқмоқда. Буни кўп кишилар биз эришган ютуқларни бой бериш хавфи деб, қайта қуришга хавф деб билмоқдалар. Ўртоқлар, руҳ бардамлигини, сабр-матонатни, қайта қуриш жараёнларига баҳо беришдаги, келажак тахминларидаги реализмни сақлаб қолмоқ керак.

Партиянинг вазифаси вужудга келган вазиятни, унинг ривожланиш тенденцияларини одамларга тўғри тушунтириб беришдан иборат. Модомики, биз революцион ўзгартишларни авж олдириб юборган эканмиз, мана шу ўзгартишлар қатъият билан ўтказилиши кераклиги равшан бўлиши лозим.

Бироқ айни вақтда бизни орқага судраётган, бугун — эрта тартибсизлик бошланади, мамлакат хароб бўлади, деб чўчитаётган консерваторларнинг ҳам, икки ҳатлаб ҳамма нарсага эришмоқчи бўлаётган ўта радикаллар, сиёсатдаги авантюрачиларнинг ҳам ҳушини жойига келтириб қўймоқ керак. Бунда ҳамма нарса равшан-ку ахир: улар мавжуд муаммолар ва қийинчиликларни рўкач қилмоқдалар, аммо кескинликни юмшатиш, хатоларни тузатиш ва бутун қайта қуриш жараёнини олға силжитиш учун амалий иш билан шуғулланишлари келмаяпти.

Яна бир бор таъкидлайман — биз руҳ бардамлигини, сабр-матонатни, рўй бераётган воқеаларга баҳо беришда, сиёсатни прогноз қилишда ҳамда иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг мақсадларини изчиллик билан амалга ошириш орқали, ошкоралик шароитида демократик ўзгартишларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш орқали, ҳуқуқий социалистик давлатни шакллантириш орқали қайта қуришни илгари силжитиш йўлида амалий қадамларни чамалашда реализмни сақлаб қолишимиз керак. Биз фақат мана шу йўл билангина, Октябрь революциясидан кейинги ўн йилликлар давомида эришилган ҳамма ютуқларга таяниб, социалистик олий мақсадларни рўёбга чиқариш йўлида жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида ижтимоий тузумимизнинг имкониятларини намоён қила оламиз, социализмга янги жўшқинлик, янги қиёфа бахш эта оламиз.

Фикр-ўйларимнинг навбатдаги қисқача мазмуни жамиятимизга хос бўлган социал-сиёсий кескинлик, шу жумладан Ленинграддаги вазият хусусидадир. Бу вазият кўп жиҳатдан бозордаги қийинчиликлар билан, озиқ-овқат билан, шунингдек ҳам шаҳардаги, ҳам қишлоқдаги турмуш шароитларига салбий таъсир ўтказаётган ва йиғилиб қолган кўпгина муаммолар билан боғлиқдир. Кечаги учрашув ва суҳбатлардан, аввало Ижора заводининг ишчилари билан бўлган суҳбатлардан менда ҳосил бўлган қатъий фикр шуки, одамлар қайта қуришга қизиқишни тарк этиш бир ёқда турсин, балки ҳам шахсий, ҳам меҳнат коллективи тақдирини айни қайта қуриш билан боғлиқ деб билмоқдалар. Уларнинг норозиликлари шундан иборатки, ўзлари меҳнат қилаётган, яшаётган жойда қайта қуриш уларнинг кўнглидагидек бормаяпти. Улар ҳам марказнинг ишидаги, ҳам маҳаллий органларнинг ишидаги камчиликларни қайд этмоқдалар. Кадрларимизнинг ишидан одамлар мамнун эмаслар. Биз бу ташвишли гапларни эшитибгина қолмай, идрок этишимиз, ўйлаб кўришимиз ва марказдаги конкрет қарорларда, маҳаллий органларнинг, хўжалик кадрларининг ва меҳнат коллективларининг ўз катта амалий, ташкилотчилик ишида рўёбга чиқаришимиз керак.

Биз конкрет шароитда, ҳар бир республикада, областда, район, шаҳарда, меҳнат коллективида ҳақиқатан ҳам ҳаётимизда нималардир ўзгараётганини одамларга кўрсатадиган оддий, аммо муҳим масалалар ҳал этилиши ҳақида ҳали тузукроқ ғамхўрлик қилаётганимиз йўқ. Халқ эса йирик, чуқур ўзгаришлар учун вақт ҳам, куч-ғайрат ҳам, ресурслар ҳам керак бўлишини яхши тушунади-ку, ахир. Аммо турмушнинг оддий, кундалик вазифалари ҳал этилмас экан, одамлар бунга тоқат қила олмайдилар.

Дарҳақиқат, ўртоқлар, «Ижорский завод» бирлашмасининг турмушидан мана бу конкрет мисолга қулоқ солинг: бу корхонада ажойиб коллектив ишлаб, йирик иқтисодий, техникавий вазифаларни ҳал этаётганини, бу коллектив ўзининг ютуқлари билан, билимдонлиги билан, ишларни кенг кўламда авж олдираётганлиги, новаторларча ёндашуви билан машҳурлигини мендан яхшироқ биласизлар. Хўжалик юритишнинг янги усулларини ўзлаштиришда ҳам шу ҳислатлар намоён бўлмоқда. Айни вақтда бу ердаги ғаройиб тафовутлар кишини ҳайратга солади! Биз ишчиларнинг таклифига биноан 19-цехга кирдик. Бу цехда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилади, улар мамлакатда ҳам, чет элларда ҳам машҳур бўлаётган яхшигина моллар экан. Аммо одамлар қандай шароитда ишлаётганини кўрсангиз эди! Очигини айтганда, бу Петр замонларини эслатади. Коллектив шу қадар катта муваффақиятларга эришиб турган бир пайтда мана бундай техникавий қолоқлик кишини ажаблантиради. Шамоллатиш қурилмаси ҳақида икки йилдан бери гапирилар экан-у аммо уни йўлга қўйиша олмас экан. Ҳаммаёқ чанг-тўзон, чидаб бўлмайдиган шароит. Бу — шармандалик! Цехда эса асосан хотин-қизлар ишлар экан.

Бу ишга миллиардлар керак эмас-ку, ўртоқлар. Бу цехни дарҳол реконструкция қилиш керак. Одамлар шу аҳволни кўриб туриб, қайта қуриш бошланганига тўрт йил бўлди-ю аммо ҳеч нарса ўзгармаяпти, деб ўйлашмоқдалар. Асабийлашув, ғазабланиш, танқид мана шундан келиб чиқаверади. Илгари меҳнаткашларнинг эҳтиёжларига эътиборсизликка ҳеч ким парво қилмасди, энди бундай қилиб бўлмайди. Кадрларимиз мана шуни тушуниб олишлари керак.

Касаба союз ташкилотлари қани? Партия ташкилотлари қани? Уларнинг принципиаллиги қаерда қолди? Бу мисол, бир қарашда, унча катта бўлиб кўринмаса ҳам, аммо Ленинградда, мамлакатнинг бошқа шаҳар ва областларида аҳвол нега кескинлигини тушуниш калитини мана шундан изламоқ керак.

Шу ўринда мен социал-иқтисодий соҳада, ислоҳот, кооперативлар, ижара, ички бозордаги аҳвол билан боғлиқ бўлган вазият ҳақидаги фикр-мулоҳазалардан марказнинг ишига ўтмоқчиман. Кўп нарса марказнинг хатолари билан боғланган. Бундан сабоқ чиқариб олиш керак. Биз шундай қилдик ҳам. Қолоқлик, уқувсизлик, у ёки бу қарорларнинг оқибатлари нима бўлишини кўра билмаслик — мана шуларнинг ҳаммаси пировард натижада кадрларга бориб тақалади, ўртоқлар. Кадрларимиз қайта қуриш йўлига тезроқ ва қатъийроқ ўтиб олишлари, ўз усулларини ўзгартиришлари, муҳокамада, масалаларни ҳал этишда демократик воситалардан кенг фойдаланишлари, меҳнаткашлар билан доимо алоқа қилиб туришлари, уларни иқтисодий, давлат, жамоат турмушининг ҳамма жараёнларига тортишлари керак. Бундан бошқа йўл йўқ. Зотан одамлар ҳамма нарсани билиб турадиган бўлсалар, улар биринчидан, оддий масалаларнинг ҳал этилиши пайсалга солинишига йўл қўймайдилар. Иккинчи томондан эса, улар йирик масалаларни ҳал қилиш учун вақт кераклигини, қайси иш аввал бажарилишини белгилаш лозим бўлишини тушунадилар.

Биз ҳаётий муҳим масалаларни озиқ-овқат, моллар, уй-жой хусусидаги режаларимизни қандай тузган бўлсак, шу асосда ҳал қилишимиз керак. Одамлар натижаларни тезроқ пайқаб олишлари учун бу соҳадаги ишни қатъийроқ олиб бориш лозим. Кеча район партия комитетларининг секретарларидан бири тўғри гапни айтди: кўп масалалар суст-кашлик билан ҳал этилмоқда, деди у, чунки марказ маҳаллий органларни айбласа, маҳаллий органлар эски

(Давоми иккинчи бетда).

СССР Олий Советининг биринчи сессиясида

13 июль, эрталаб соат 10. СССР Олий Советининг Мажлислар зали депутатлар билан лиқ тўлди. Раислик қилувчи **М. С. Горбачев** СССР Олий Совети биринчи сессиясининг навбатдаги мажлисини очиқ деб эълон қилади.

Депутатлар СССР Халқ таълими давлат комитетининг раиси лавозимига тавсия этилган Г. А. Ягодин номзодини муҳокама қилишни давом эттирдилар. Депутатлардан **С. В. Пильников, В. В. Якушкин, С. Я. Батишев, Р. О. Бозорова, А. И. Коновалов, Л. И. Михайлова, Г. А. Черних, В. Е. Головнев, Р. С. Ахметова, Ю. А. Ряжов, В. Г. Разумовский** ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини айтдилар.

Нотиқлар шуни таъкидлашдики, Г. А. Ягодин бошчилик қилаётган комитет бир маромда ишламаяпти, унинг фаолиятида зиддиятлар, ноизчилликлар ҳам эмас. Мактаб ўқувчилари билан студентларни эстетик ва жисмоний тарбиялашга етарли эътибор берилмаяпти. Қишлоқ мактаби ночор аҳволда қолган. Шу билан бирга Г. А. Ягодин раҳбариятга келгандан кейин халқ таълими системасида ошкоралик, билимларнинг обрўси қарор топганлиги, раҳбарликнинг бюрократизмга қарши қатъий ҳамда муросасиз кураши давом эттирилиб, танқидни чуқурлаштириб ва авж олдира бориб қайта қуришнинг ижобий тажрибасини кўпроқ кўрсатиш керак, деди нотиқ.

Оммавий ахборот воситаларининг йўналишини ўзгартириш зарур. Инсон фаолиятининг асосий соҳаси — меҳнатдаги ўзгаришларсиз бизнинг турмушимиз ўзгармаслиги равшан. Бунда эса ҳозирча ўзгаришлар етарли эмас. Одамлар ўз мамлакати тақдирининг ҳўжайини туйғусидан маҳрум бўлиб қолишган эди, ана шу туйғуни уларга қайтариш, инсоннинг сиёсий ҳокимиятдан, иқтисодий муаммоларни ҳал этишдан кўп йиллар мобайнидаги ётсираштан бартараф этиш — мураккаб, аммо жуда муҳим вазифадир.

Телевидение ва радио жамиятдаги жараёнларни барча зиддиятлари билан холисона акс эттириши лозим. Бунга томошабинлар, тингловчилар ғоят хилма-хил баҳо беришмоқда ва бундан буён ҳам шундай баҳо беришади. Энг муҳими, муаллифларнинг позицияси, уларнинг ижтимоий ва маънавий йўналишлари, мақсадларидир.

Томошабин ва тингловчилар билан бевосита ҳамда муқобил алоқа, доимий мулоқот мавжуд бўлган тақдиргагина телевидение ва радио ўз вазифасини бажаради. Бажарган ишлари тўғрисида ҳисобот беришлари учун масъул раҳбарларга бундан буён ҳам минбарни тез-тез бериб туриш, кўрсатув ва эшиттиришларда барча социал қатламлар ҳамда регионларнинг кенг кўламда иштирок этишини таъминлаш, маҳаллий ва республика эшиттиришларини бўлим чоралар билан ривожлантиришни давом эттириш керак.

Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети фақат бошқарув органи бўлиб қолмай, шу билан бирга ижодий ташкилот ҳам эканлиги сабабли, деди нотиқ, асосий эътибор ижодий жараён мазмунига қаратилиши зарур деб ҳисоблайман. Нотиқ парламент фаолиятини ёритишни такомиллаштиришга, Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитетининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлашга қаратилган таклифлар киритди.

М. Ф. Ненашев депутатларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтарди.

Сессияда СССР Олий Советининг Москва прописка-сига эга бўлмаган аъзолари иши ва турмушига оид баъзи масалалар хусусида мунозара бошланди. Ленинградлик депутат Ю. Ю. Болдиревнинг депутатларни гўё китоблар, косметика термалари билан «сийлашмоқда», уларни «оғдириб олишмоқда», деган гапи мунозара учун сабаб бўлди.

(Давоми иккинчи бетда).

• *ҲОСИЛ—89*

НАВБАТ— ЙИҒИМ-ТЕРИМГА

Деҳқон учун қулай келган йиллар одатда жуда кам бўлади. Ҳар йили гоҳ ундай, гоҳ бундай қийинчиликлар юз бериб туради. Лекин бу йилги кўкламда юз берганчалик табиий офатни кўпчилик тажрибали деҳқонлар ҳам кам эслашади.

Мана, шунга ҳам қарийб икки ярим ой бўлди. Шу муддат ичида далаларда унинг оқибатларини тугатиш борасида қандай ишлар қилинди?

— Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхози ҳам бу йил табиий офатдан анчагина зарар кўрди: ҳатто плёнка остидаги экинлар ҳам нобуд бўлди. Помидор, бодринг ва бошқа экинларни қайтадан экишга тўғри келди. 1 миллион сўмликдан ортиқ зарар кўрилди.

Лекин деҳқонлар табиий офат қаршисида эсанкираб қолишмади. Тўла нобуд бўлмаган ниҳолларни меҳр билан парваришлашга тушдилар. Хато жойларини тўлдиришди. Кўп майдонларга қайтадан кўчат экилди. Буниг учун 70 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.


Пилиниг биринчи ярми якунланди. Хўш, хўжаликда нималарга эришилди? Дастлабки ҳосил — пилла тайёрлаш плани бажарилмади. Бунга ипак қурти озуқаси — тут барги етишмаганлиги сабаб бўлди. Эртаки карам тайёрлаш плани ҳам 70 фоизга адо этилди. Пландаги 1900 тонна ўрнига атиги 1300 тонна карам сотилди.

Лекин айни кунларда хўжалик далаларида бўлган киши бу илк муваффақиятсизликлар вақтинча эканлигига ишончи ҳосил қилади. Бригадаларда асосий ҳосил эндигина пишиб етилмоқда. Пиёз йиғиштириш авжида. Ҳар гектар майдондан 35-40 тоннадан маҳсулот олинаётир. Помидор, бодринг бақлажон, патиссон ва бошқа экинлар ҳам пишди. Картошкани ковлаб олиш давом этяпти. Юсуф Дўмбоев, Ҳикмат Исматуллаев, Эргаш Абдураҳмонов, Мирсоат Сайдаҳмедов, Ғуломжон Маҳмудов бошлиқ бригадалар бу борада пешқадам.

— Бу йил чиндан ҳам деҳқонларимиз учун оғир бўлди, — дейди колхоз раиси Э. Раҳматов. — Тошкент шаҳри аҳолиси ва қардошларимизга эртаки маҳсулотларни вақтида етказиб бера олмадик.

Энди барча резерв ва имкониятларни ишга солиб, аҳволни ўнглашга ҳаракат қиляпмиз. Мўлжалимиз — бундан буён аҳолини иложи борича кўпроқ маҳсулот билан таъминлаш. Бунинг учун имконияти етарли. Кузги экинлардан ҳам мўл ҳосил олиб, эл дастурхонига 8855 тонна сабзавот ва картошка етказиб берамиз.

Ш. МИРҲАБИБОВ.



ДАСТЛАБКИ МИЛЛИАРД

Яқинда Ўрта Осиё магистрал газ қувурлари бошқармасининг бош пультида-ги ҳисоблагич қурилма дастлабки миллиард куб метр «зангори олов» мамлакатимизнинг марказий районларига ва Уралга жўнатилганлигини қайд қилди. Бошқарма ташкил этилганидан бери биринчи марта ана шундай юқори кўрсаткичга эришилди. Бу ютуққа корхонада янги иш усуллари дадил жорий этилганлиги туфайли эришилди. Коллектив шу йилнинг 1 январидан бошлаб тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш усулида меҳнат қилаётир. Бу ўз самараларини бераётир.

Бошқарма коллективи истеъмолчиларга бу йил ўн миллиардлаб кубометр газ жўнатишга, уни газопровод орқали етказиб бериш таннархини кескин пасайтиришга аҳд қилди. Айни кунларда Зевн. газ тармоқ-ишлаб чиқариш бошқармаси коллективи мусобақада пешқадамлик қилаётир.

Суратларда: илғор слесарь-монтажчилардан Жамол Назаров, Равшан Раҳмонов ва Жуманазар Сапоев. Ўнгда эса қувур ётқизиш пайти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ суратлари.

• *Ягона сиёсий кун*

Бирлашган ўзар...

14 июль куни Ўзбекистонда Ягона сиёсий кун ўтказилди. Бу кун область, шаҳар, район партия комитетлари ишлаб чиққан мавзу асосида ўтди. Партия, совет ходимлари, хўжалик раҳбарлари саноат корхоналарининг, колхоз ва совхозларнинг меҳнат коллективларида сўзга чиқиб, ўша район, шаҳар, областнинг меҳнаткашларини қизиқтираётган масалаларни кўтардилар. Йиғилиб қолган иқтисодий, социал ва бошқа муаммолар қанчалик ўткир бўлмасин, уларни биргаликда, миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаб, интернационал тарбияни кучайтира бориб, ҳал этиш лозим.

Нукусда бўлган Ягона сиёсий кунда шаҳар социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш масалалари кўтарилди. Қорақўзак район партия комитети аволдлар ўртасидаги алоқа муаммоларини меҳнат коллективларида муҳокамага киритди. Бу ерда гап ёшларни ватанпарварлик ва интернационал руҳда тарбиялашда ветеранларнинг ролини ошириш тўғрисида борди. Тошкентнинг Куйбишев ва Ленин районларидаги корхоналар ҳамда ташкилотларда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Раиси М. С. Горбачевнинг марказий телевидение орқали сўзлаган нутқи муҳокама қилинди. Партия ва давлат раҳбари кўтарган муаммолар республиканинг бошқа районларидаги учрашувларда ҳам тилга олинди.

Яқинда Фарғона областида содир бўлган фожиали воқеалар республикада яшовчи ҳар бир кишини ҳаяжонга солмаслиги мумкин эмас. Бундай воқеа такрорланмаслиги учун нима қилиш керак? Фарғона область партия комитети «Интернационал бирлик — жамият жипслигининг негизи» деган мавзуни муҳокама учун таклиф этди. Наманган областидаги меҳнат коллективларида бўлиб ўтган учрашувлар вақтида «Совет халқининг тақдири битта» деган фикр билдирилди.

Ягона сиёсий кун давомида ўткир, долзарб масалалар кўтариб чиқилди. Нотиқлар қайта қуриш бизнинг олдимизга қўяётган вазифаларни биргаликдагина муваффақиятли ҳал этиш мумкинлигини таъкидладилар.

(ЎзТАГ).

М. С. ГОРБАЧЕВ НУТҚИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

одатга кўра ҳатто марказ ҳеч қачон шуғулланмаган ва шуғулланиши ҳам лозим бўлмаган масалаларни ҳал қилишда марказга айб қўймоқда.

Яна қуйидагиларни таъкидлаб ўтмоқчиман. Кўп ҳолларда ишлаб чиқариш коллективлари ўз манфаатларининггина ўйлаб иш тутиб, халққа, жамиятга керакли нарсаларни ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўймоқдалар. Бу ҳол, ўртоқлар, бизнинг кўпгина социал режаларимизни барбод қилиши мумкин. Ишлаб чиқариш коллективлари халққа ҳаётий зарур нарсаларни ишлаб чиқаришдан гуруҳбозлик ҳудбинлиги тазйиқи остида воз кечиши каби тенденция ҳам амалга ошмоқда, шу коллективларнинг ўзларига ҳам зарба уради. Бир оилик манфаат пировард натижада зиёнга айланади.

Уй-жой масаласи ўткир бўлиб турибди. Бу масала регионларда ҳам, шаҳарларда ҳам, корхоналарда ҳам ҳар хил тарзда ҳал этилмоқда. Бир қарасангиз, беш минг кишилик коллектив икки-учта уй қурмоқда. 30 мингдан кўп киши ишлайдиган Ижора заводида эса йилига бир-иккита уй қурилмоқда. Бу қандай миқёс бўлди? Фақат шаҳарнинг қурилиш ташкилотларига умид қилиши беҳуда, деб ўйлайман. Ҳар бир коллективнинг ўз ташаббуси бўлиши, хўжалик ҳисоби керак. Бунинг учун имкониятлар бор.

«Ижорский завод» бирлашмаси каби йирик коллективлар Ленинградда ози эмас. Мана шундай коллективлар жуда кўп иш қилишлари мумкин. Шундагина қурувчиларнинг марказни реконструкциялаш программасини амалга оширишлари ва туб ленинградликларнинг уй-жой шароитларини яхшилашлари учун имконият бўлади. Йирик корхоналаримиз ҳамиша ҳам партия ташкилотларининг ва совет органларининг фикрига, меҳнаткашларнинг эҳтиёжларига қулоқ солмаётганликларини кўриб турибмиз. Бунинг сабабини суриштириб билиш керак. Шу билан шуғулланинглар, муҳокама қилинглар, ўртоқлар.

Сўнгра. Биз айни вақтда иститболни кўзлаб энг зарур чора-тадбирларни кўришимиз ва шахдам қадамлар қўйишимиз керак. Ҳозир иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни илгари силжитишнинг ҳамма босқичларини айтиб ўтмоқчи эмасман. Фақат вазифаларнинг шу мажмуидаги икки бандга эътиборни қаратмоқчиман.

Биринчиси. Башарти шаҳардаги, саноатдаги ва аграр сектордаги ишлаб чиқариш, иқтисодий муносабатларни тубдан қайта қурмас эканмиз, социал-иқтисодий тараққиётда ва халқнинг турмуш шароитини яхшилашда дуруст ўзгаришларга эриша олмаймиз. Экономикамизнинг имкониятларини намоён қилиш учун янги омилларни қидириш керак, иқтисодий муносабатларни қайта қуриш соҳасида, ижтимоий мулкчилик замиридаги потенциал имкониятларни рўёбга чиқаришда мана шундай омиллар бор. Иқтисодий турмушни ва фаолиятни ташкил қилишнинг янги шаклларини жорий қилиш, кенг хўжалик ташаббускорлигини, мустақилликни намоён қилиш учун жамики зарур ҳуқуқий иқтисодий ва социал шарт-шароитларни яратиш керак.

Умуман, шу йўлда қатъият билан туриб, экономикани хўжалик ҳисобига ўтказиш, социалистик мулкчиликни рўёбга чиқаришнинг жуда турли шаклларидан — ҳам ижарадан, ҳам пудратдан, ҳам кооперативдан, ҳам акциялардан фойдаланиш лозим. Аммо барпо этилаётган янги иқтисодий муҳитда турли шакллардан фойдаланувчи барча корхоналар тенг имкониятларга эга бўлишлари кераклигини тушуниб олиш зарур. Айни шу борада, жумладан, кооперативлар хусусида ҳам кўп хатоларга йўл қўйилди.

Шу муносабат билан айтиб ўтмоқчиманки, чуқур ўзгартишлар йўлига қатъият билан ўтиб олган коллективлар ҳозирнинг ўзидаёқ дастлабки ижобий натижаларга эришдилар. Ижораликлар тармоқлараро давлат бирлашмаси — «Энергомаш» доирасида дастлабки босқичдаёқ экономикани ташкил этиш янги формаларининг катта имкониятларини ва ўзларининг бутун концернларининг имкониятларини намойиш этишди. Энди мижозни уларнинг ўзлари қидирмоқдалар, ҳам жанубдан, ҳам шарқдан хилма-хил амалий алоқалар ўрнатмоқдалар, чет эллар билан ҳам муносабатни йўлга қўймоқдалар. Тармоқлараро давлат бирлашмасининг раиси ўртоқ Фомин кўни кеча Финляндиядан қайтиб келди, у манфаатли битим тузганини айтди. Гап миллионлар ҳақида бормоқда. Маҳсулотга қизиқиш зўр.

Аҳволга бир назар ташланг, иш шундай тус олмоқдаки, бу усул вазиятга тез мослаша оладиган жўшқин, қайишқоқ бўлиб қолмоқда. Бу ерда шундай фикр бор эди: Ленинград ҳам илм-фандан, ҳам тажрибадан, ҳам хўжалик кадрларининг билимдонлигидан фойдаланиб, хўжалик юритишнинг янги усулларини ўзлаштириш намунасини кўрсатиши назарда тутилган эди. Шаҳримизга аввалги келишимдан бирида Ленинград қайта қуришда пешқадам бўлиши керак, деб айтган эдим. Ҳозир ҳам шу вазифа ўз кучида турибди, деб ўйлайман. Шаҳар ва область партия ташкилотлари, меҳнаткашлари бу вазифани уддалай оладилар.

Иккинчиси. Сиёсий ислоҳот доирасида, унинг иккинчи босқичида халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш соҳасида катта иш қилиниши керак. Биз самарали ишлайдиган депутатлар корпусини шакллантиришимиз, Советларнинг мавқеини кескин оширишимиз, ҳокимиятни амалда маҳаллий органларга топширишимиз керак. Бунинг учун ҳар бир республикада СССР халқ депутатларини сайлаш юзасидан ўтказилган кампания сабоқлари асосида сайлов Қонунини тайёрлаш лозим. Бунинг учун Олий Советда ҳам, сўнгра съездда ҳам муҳим ҳужжатларнинг бутун бир туркумини — иттифоқдош республикаларнинг суверен ҳуқуқларини кенгайтириш доирасида регионал хўжалик ҳисоби тўғрисидаги Қонунни, маҳаллий Советлар ҳақидаги, ўзини-ўзи бошқариш тўғрисидаги Қонунни ва бошқа қонунларни қабул этиш зарур.

Булар — жойлардаги ҳокимиятни Советларга амалий равишда тошириш учун шарт-шароит яратиши, Советлар билан мана шу Советлар территориясида иш кўрувчи хўжалик ташкилотлари ўртасида бевосита иқтисодий қарамликни вужудга келтириши керак бўлган энг муҳим қонунлардир. Биз Ленинграддан шу ишни қай йўсинда яхшироқ қилиш, шу тариқа ўртага қўйилган мақсадларга эришиш учун асосли мулоҳазалар, таклифлар кутяпмиз. Бутун ўртоқлар, ҳозирнинг ўзидаёқ бўлажак сайлов кампаниясига обдон тайёргарлик кўриш керак, деб тўғри гапни айтишди. Ҳеч нарсани жўнлаштирмаслик, ўтган сайлов кампаниясининг хатоларини такрорламаслик лозим.

Энди КПССнинг ҳозирги босқичдаги фаолияти тўғрисида баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчиман. Бу —жамиятимизни тўлқинлантираётган энг катта масалалардан бири. Бу — халқ депутатларининг съездида ҳам марказий масалалардан бири бўлди, кеча ишчилар билан учрашувларда, партия комитетларининг секретарлари билан суҳбатда ҳам шу масала кўтарилди.

Кўр-кўрона бўйсунишга асосланган буйруқбозлик иш услуби, партия сиёсий вазифаларнигина эмас, оператив вазифаларни ҳам ўз зиммасига олган узоқ йиллар давомида ҳамма ишлар учун, ҳатто қаерда рўй беришидан қатъи назар ҳар қандай миқёсдаги соф хўжалик камчиликлари учун ҳам КПССнинг мутлоқ, ялпи масъулияти ҳақидаги сийқа фикр оммани онгига сингиб кетган эди. Аниқ-равшан ижрочилар ва айбдорлар бўлмиш министрликлар, идоралар, ташкилотлар, муассасалар, айрим ҳодимлар эса бир чеккада қолар эдилар.

Жамиятдаги кризис учун партия масъулиятни ўзидан соқит қила олмайди ва соқит қилмаслиги керак. КПСС съездида, XIX партия конференциясида ва Марказий Комитет Пленумларида бу гап тўппа-тўғри, партиявий принципиаллик билан айтилди.

Бироқ шу билан бирга мамлакатни идора қилувчи партия бўлмиш КПСС халқ олдидаги масъулиятни англаб, жамиятимизда вужудга келган вазиятни таҳлил этиш асосида 80-йилларнинг бошларида қайта қуриш сиёсатини, социалистик тузумнинг жуда катта имкониятларини рўёбга чиқаришга қаратилган сиёсатни ишлаб чиқиб, таклиф этди. Бутун халқ бу сиёсатни қўллаб-қувватлади.

Бироқ партия шаҳид кетаётган танқид бизни ташвишга солаётганлиги ҳақида гапиранимизда фақат фактни қайд этиш билангина чеклана олмаймиз. Бу ташвиш шу ерда, область партия комитетида ҳам эшитилди. Биз янги сиёсий вазият қаршисида саросимага тушиш кўринишларига йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ, биз КПСС фаолиятига танқидий муносабатнинг илдизларини кўришимиз керак, чунки сотсет кишилари шу тариқа қайта қуриш сиёсатига, унинг реал натижаларига баҳо бермоқдалар.

Жамоатчиликнинг мамлакатдаги ишлар аҳволидан қаноатланмаётганлиги бир қанча партия ва совет ходимларининг СССР халқ депутатлари мандатларини олололмаганликларида намоён бўлди. Номзод қилиб кўрсатилган кўпгина партия ходимларининг, коммунистларнинг мағлубияти меҳнаткашлар қайта қуришнинг кўпгина соҳаларида партия фаолиятига танқидий қарашларидан далолатдир. Ижод учун, истеъдодларнинг намоён бўлиши учун қулай шарт-шароитлар вужудга келтирилмоқда.

Даъвогар миллий студиялар ҳақида гапирар экан, республика киносини батамом маҳаллийлаштириш, уларга мустақиллик берилишини маъқуллади. Она тилининг ўзига хос хусусиятларини асраб қолиш зарур, шунинг учун ҳам болалар ва ўсмирлар учун фильмлар яратиш муҳимдир. Номзод Давлат кинематографчилар комитетининг роли хусусида ўз нуқтаи назарини баён этиб, фильмларнинг сифатини ва граждапларча мардоналигини ошириш ҳақида, сапъаткор эркинроқ бўлиши ва айни вақтда масъулиятни теранроқ ҳис этиши лозимлиги тўғрисида сўзлади.

А. И. Камшалов саволларга жавоб қайтарди.

Сессияда депутатлар илгари ўртага қўйган айрим муаммолар кўриб чиқилди.

Жумладан, академик, эрмитаж директори Б. Б. Пиотровскийнинг телеграммаси ўқиб эшиттирилди, ушбу телеграммада Ленинград область партия комитетининг собиқ биринчи секретари Г. В. Романов музей хазинасидаги ноёб идишлардан фойдаланганлиги ҳақидаги гап рад этилган.

Тоғли Қорабоғдаги вазиятга тааллуқли телеграммалар муносабати билан бу ердаги аҳволни нормаллаштириш учун барча чоралар кўрилаётгани айтилди. Кечагина СССР Олий Советининг комиссияси тузилганлиги бунга ёрдам бериши керак. Раислик қилувчи Тоғли Қорабоғ автоном области аҳолисига мурожаат қилиб, ақл-идрок билан иш кўришга даъват этди, у депутатларнинг Тоғли Қорабогда содир бўлаётган воқеалар ҳақида пухта ўйлаб, босиқ-вазминлик билан ахборот бериш лозимлиги тўғрисидаги фикрига қўшилди.

Депутат **Н. В. Босенко** пенсияларнинг энг кам миқдорини ошириш муаммосига шу сессиянинг ўзидаёқ қайтишни илтимос қилди.

Н. И. Рижков масалани жиддий ўрганиш керак, деб таъкидлади. Чунки, илгари айтиб ўтилганидек ана шу мақсад учун қўшимча тарзда 6 миллиард сўм топиш зарур. У тегишли қонун лойиҳасини 1 сентябрда тақдим этишни таклиф этди, бу лойиҳани кузги сессияда муҳокама қилиш мумкин бўлади.

Депутатлар бу фикрга қўшилдилар.

Депутат **В. И. Соколов** Ленинград областининг Кириша шаҳридаги экология вазияти муносабати билан ҳамда маҳаллий органлар бу ерда оқсил-витамин концертрати ишлаб чиқаришни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилгани сабабли ана шу масалани кўриб чиқиш учун комиссия тузишни таклиф этди.

Н. И. Рижков ҳозир бу муаммо ўрганилаётганини, мазкур муаммога яна бир неча кундан кейин қайтиш лозимлигини айтди.

Кечки мажлисда раислик қилувчи **А. И. Лукьянов** СССР Давлат кинематография комитети раиси лавозимига А. И. Камшалов номзодини муҳокама қилишни давом эттириш тўғрисида таклиф киритди. Музокараларда депутатлардан **Т. О. Океев, О. В. Чернишев** ва бошқалар қатнашдилар.

Овоз беришдан кейин А. И. Камшалов шу лавозимга тайинланди.

Депутатлар СССР Давлат матбуот комитети раиси лавозимига тавсия этилган Н. И. Ефимов номзодини муҳокама қилишга киришадилар. Депутатлар ҳузурида сўзга чиққан номзод маданиятга, шу жумладан китоб нашр этишга муносабатда психологик бурилиш бўлиши учун улардан ёрдам беришни илтимос қилди.

Мамлакатда муаммолар кўп, — деди у, — халқни тўйдириш, кийинтириш керак, унга уй-жой зарур. Аммо, ҳар қалай китоб жамиятимизга жуда зарур бўлган маънавият негизидир. Тармоқ жуда мушкул аҳволда. Китобга бўлган талабнинг ярми, айрим турдаги китобларга бўлган талаб эса бундан ҳам камроқ қондирилмоқда. Китоб борасидаги ҳозирги муаммолар жамият ҳаётига таъсир этиб турибди, келгуси минг йилликда бу муаммолар яна ҳам кучлироқ таъсир кўрсатади.

Республика Олий Советларига ва маҳаллий Советларга ўтказиладиган сайлов муносабати билан бу вазифа янада кўпроқ актуаллик ва аҳамият касб этмоқда. Партиядаги кўпгина масалалар ҳал этилмас экан, сиёсий ислоҳотнинг иккинчи босқичида амалга ошириш зарур бўлган вазифаларни уддалаш қийин. Биз яшаб турган вақт тез ўтмоқда, жамиятдаги вазият тез ўзгармоқда. Бу эса партиядан самарали ишлашни талаб қилади.

Пировардида, ўртоқлар, сизларга Ленинград партия ташкилоти ўтмиш тажрибадан — ҳам ижобий, ҳам салбий тажрибадан сабоқ олиб, қайта қуришнинг бурилиш босқичи талабларига асосида ўзини қайта қуриб, янгиланиб олади, ўз фаолиятидаги маълум заифликни бартараф қилади ва омма орасида самарали ишни таъминлайди, деган истакни билдирмоқчиман. Мамлакатимиз тараққиётининг мана шу энг масъулиятли маррасида ўртада турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишингизга тилакдошман.

Давлат матбуот комитети ишини қайта қуришга тўхталиб, номзод бундан буён ҳам ноширлик ишини демократиялаш жараёнини ривожлантириш зарурлигини, нашриётларнинг мустақиллигини ва тармоқдаги хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш лозимлигини уқтирди.

Даъвогар депутатларнинг саволларига жавоб берди.

Номзодни муҳокама қилишда депутатлардан **Т. Қаипбергенов, С. Г. Шувалов** сўзга чиқдилар.

СССР Олий Совети Н. И. Ефимовни СССР Давлат матбуот комитетининг раиси этиб тайинлайди.

Сессияда СССР Давлат ўрмон комитети раиси лавозимига А. С. Исаев номзодини муҳокама қилиш бошланди.

А. С. Исаев минбарга чиқиб, халқ депутатлари ўрмонларимиз ҳолати тўғрисида ниҳоятда ташвишланиб гапираётганларини таъкидлади. Бу тушунарли, чунки ўрмон билан ўзаро муносабатларимизда биз жар ёқасига келиб қолдик, ундан сакраб ўтиш ресурс, сиёсий, иқтисодий ва социал планларнинг жиддий асоратлари билан боғлиқ. Ҳамма «ўрмон — бизнинг бойлигимиз» деган иборага кўникиб қолган. Аммо биз ҳаммица ҳам бу қандай бойлик экан, деб ўзимизга ҳисоб бермаймиз.

Даъвогар ўрмон хўжалигига ҳам дахл қилган пул билан таъминлашнинг қолдиқ принципи тўғрисида маълумотлар келтирди. Муҳим йўналишларда, шу жумладан кадрлар масаласида рўй берган салбий оқибатлар шунинг натижасидир. Дарахтларни кесиш билан уларни тиклаш учун сарфланадиган харажатлар ўртасида жуда катта тафовут бор. Комитет аҳволни тузатиш борасида аниқ чоратадбирларни таклиф этади. Ўрмондан фойдаланиш нормативлари ишлаб чиқилган. Уларга қатъий амал қилиш керак, шундай қилинмаса тез орада биз ёғочни чет эллардан сотиб олишимизга тўғри келади.

Нотиқ кўплаб саволларга жавоб қайтарди.

Номзодни муҳокама қилишда депутатлардан **В. Я. Стадник, В. К. Мурашов, В. В. Дмитриев, О. Б. Баторов М. В. Демидов** қатнашдилар.

Олий Совет сессияси кўпчилик овоз билан А. С. Исаевни СССР Давлат ўрмон комитети раиси лавозимига тасдиқлади.

Раислик қилувчи бир қанча депутатлар 12 июль куни «Правда»да эълон қилинган «Федератив иттифоқ» деган мақола муносабати билан М. С. Горбачев номига хатлар юборишганини маълум қилди. Уларнинг фикрича, Марказий Комитетнинг миллатлараро муносабатларга доир Пленуми арафасида бундай мақолалар эълон қилинмаслиги керак.

А. И. Лукьянов танаффусда М. С. Горбачев бу саволга манфаатдор депутатларга жавоб берганини ва истасалар улар ҳам «Правда» саҳифаларида ўз нуқтаи назарларини билдиришларини таклиф этди.

Депутатлардан **А. А. Шчелканов, Н. С. Сазонов** иш тартибига доир айрим масалалар хусусидаги, Олий Советнинг мамлакат давлат раҳбарлари билан ўзаро муносабатлари системаси ҳақидаги фикрларини баён этдилар.

А. И. Лукьянов билан Е. М. Примаков тушунтириш бердилар.

Мажлис тугади.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕТАЛЛУРГИЯ КОМПЛЕКСИ ИШИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитетининг хабар беришича, республикада қора ва рангли металлургиянинг 11 та ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхонаси ишлаб турибди. Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида бу корхоналар маҳсулоти ҳиссаси 5 процентни, ходимлари сони эса 4,5 процентни ташкил этади. Ўзбекистон металлургия заводи, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Тошкент заргарлик заводи комплекс таркибига кирган. Мазкур комплекс корхоналари республикада фақат Совет ҳокимияти йилларидагина пайдо бўлганини айтиш зарур. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулот ҳажми ўсиб, кейинги чорак асрда 5,7 баравар кўпайди.

Комплекснинг барча корхоналари хўжалик ҳисоби шароитида ишламоқда. 1989 йил январь-июнь ойларида умуман саноат комплекси бўйича меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6,2 процент, саноат ишлаб чиқариши ҳажми —5,2 процент ошди. Маҳсулотнинг бутун кўпайиши меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига бўлди.

Халқ истеъмоли молларининг ноозиқ-овқат турлари юзасидан давлат буюртмалари бажарилди, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан уларни ишлаб чиқариш бир ярим баравар ошди. Кооперативларнинг ана шундай товарлар ишлаб чиқаришга жалб этилиши маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга кўмаклашди.

Шу билан бирга комплекс корхоналарида фойдаланилмаган резервлар бор. Маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги шартнома мажбуриятлари тўла ҳажмда бажарилди, деб бўлмайди. Истеъмолчиларга ярим йилликда қарийб 11 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмади.

Пўлат ва прокат ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилиши таъминланмади. Қора металлар прокатини чиқариш тўғрисидаги давлат буюртмаси 74,3 минг тонна ёки 22 процент бажарилмади.

Ўзбекистон металлургия заводида ишга туширилаётган қувватларнинг ўз вақтида ўзлаштирилмаганлиги давлат буюртмалари бажарилмаганлигининг сабабларидан биридир. Қурилиш ва монтаж ишларидаги чала жойлар, ускуналардаги нуқсонлар, ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги ва ускуналардан фойдаланишдаги камчиликлар туфайли январь-май ойларида 1988 йилнинг сентябрида ишга туширилган қора металл прокати қувватининг (нормативларни ҳисобга олган ҳолда) атиги 61,1 процентидан фойдаланилди. Бунинг натижасида лойиҳада белгиланган қувватга нисбатан 48,6 минг тонна, яъни 7,8 миллион сўмлик прокат кам олинган. Бу эса завод фаолиятидаги молиявий натижаларга таъсир кўрсатди, планга нисбатан 2 миллион сўмдан кўпроқ фойда олинмай қолди. Металлургия комплекси корхоналари атроф-муҳитга зарар етказаётганига қарамай, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига ажратилаётган капитал маблағлар ўзлаштирилмаяпти. Масалан, 1989 йилда газ-чангни тутиб қолувчи ускуналарни ишга тушириш планлаштирилмаган.

ИШЧИ ГРУППАСИНИНГ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида депутатлардан иборат ишчи группасининг Ўзбекистон ССР Тиллар тўғрисидаги Қонун лойиҳасини халқ муҳокама этиши давомида тушган таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни умумлаштиришга бағишланган мажлиси бўлди.

Группа составида республика Олий Советининг Қонун лойиҳаларини тайёрлаш, миллатлараро муносабатлар масалалари ҳамда интернационал тарбия, халқ таълими ва маданият доимий комиссияларининг вакиллари бор.

Депутатлар меҳнат коллективларидаги йиғилишларда, телевидение ва радио орқали муҳокаманинг биринчи босқичи давомида, давлат органларига, газета ва журналларнинг редакцияларига йўлланган хатларда гражданлар билдирган жуда кўп таклиф ва фикр-мулоҳазаларни кўриб чиқилар. Ишчи группаси Қонун лойиҳасини узил-кесил ишлаб чиқиш чоғида эътиборга лойиқ бир қанча таклифларни ҳисобга олишни мақсадга мувофиқ деб топди.

Депутатлардан иборат ишчи группаси республикада Тиллар тўғрисидаги Қонун лойиҳасининг халқ томонидан муҳокама қилиниши тугагунга қадар ўз ишини давом эттиради.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ

14 июль куни Хоразм область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Ўнинг қатнашчилари қайта қуриш шароитида, КПСС Марказий Комитети 1989 йил апрель Пленуми қарорлари асосида Хива район партия ташкилотининг баъзи иш формаларини муҳокама қилдилар.

Пленумга тайёргарлик давомида область телевидениеси орқали Хива район партия комитетининг муаммоларига бағишланган махсус кўрсатув берилди. Ана шу кўрсатувда райкомнинг, коммунистларнинг партиявий-сиёсий ишидаги кўпгина нуқсон ва камчиликлар яққол тасвирлаб берилган эди. Область партия комитети комиссияларининг аъзолари район бошланғич партия ташкилотларида бўлиб, текширув натижаларини пленумга маълум қилдилар.

Пленумда Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари Р. М. Худойберганова нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

• ДЕПУТАТ СЪЕЗДДАН ҚАЙТДИ •

ОДАМЛАРГА ҒАМХЎРЛИК



Р. ҒУЛОМОВ,

СССР халқ депутати, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси, уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгашининг раиси.

ХАЛҚ депутатларининг биринчи съезди ўз умрини ўтаган эскича фикрлаш билан алоқа узил-кесил узилганлигини, энди қайта қуришдан бошқа йўл йўқлигини ва у жамиятни, партияни демократиялашни, социализмнинг яшовчанлик қобилиятини мустаҳкамлашни янги босқичга олиб чиққанлигини яққол намоён этди.

Съездда қайта қуришнинг энг муҳим вазифаларидан бири — инсон ахлоқи, этика нормалари, ҳалоллик ва покликни қарор топтиришдан иборат эканлиги зўр куч билан таъкидланди. Ҳар бир кишининг меҳнат ва қобилиятига яраша яшаши, жамиятимизда ҳалол ва тўғри инсонлар учун ҳамма имкониятлар яратиб бериладиган бўлиши, ишёқмас, дангаса ва текинхўрларнинг йўлини батамом тўсиб қўйиш учун ҳаётни яхшиланиш томон узил-кесил буриб юбориш лозим.

Халқ депутатлари съездида биз турмушнинг ҳамма соҳаларида тўпланиб қолган муаммоларнинг нақадар кўп эканлигини, масъулиятсизлик ва жавобгарликни ҳис этмасликнинг қандай оғир оқибатларга олиб келишини чуқур ҳис этдик. Қайта қуриш сунъий тарзда ўйлаб чиқарилган нарса эмас, балки мамлакатимиз, халқимиз учун, социализмни янада ривожлантириш учун ҳаётий зарурат эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдик.

«Уруш ва меҳнат ветеранлари тўғрисида, Ватан урушида Ватанимизнинг мустақиллигини ҳимоя қилган оғир йилларда мамлакат экономикасини тиклаган, унинг саноат қудратини мустаҳкамлаган кишилар тўғрисида, ҳозир нимагаки эга бўлсак, шуларни муҳайё этган кишилар тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш — бизнинг маънавий бурчимиз ва мажбуриятимиздир», деб таъкидлади ўртоқ М. С. Горбачев съездда қилган докладида. Халқ депутатлари съезди ишлаб чиқариш ва истеъмолда туб ўзгаришлар ясалмас экан, магазинларнинг пештахталарида озиқ-овқат ва саноат моллари етарли миқдорда бўлмас экан, уй-жой ва пенсия таъминоти, соғлиқни сақлаш, хизмат ва бошқа соҳалар яхшиланмас экан қайта қуриш тўғрисида ҳеч қандай гап бўлмаслигини таъкидладилар.

Мамлакатимизда ҳозир 50 миллиондан ортиқ пенсионерлар, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари бор. Ушбу социал группа илгари сиёсий куч сифатида эътиборга олинмас эди. Афсуски, бундай фикрлаш тарзи ҳозир ҳам сезилиб турибди. Ана шу 50 миллион кишидан 10 миллион нафари меҳнат қилиб моддий бойликлар ишлаб чиқаришда қатнашмоқдалар. Агар йўлдаги тўсиқлар — масалан, иш ҳақидаги чегаралашлар ва бошқа шу каби чеклашларга барҳам бериладиган бўлса, янада кўпроқ кексаларнинг ишга жалб этилиши учун имконият вужудга келарди.

Бизда ҳозир 22 миллион уруш ва меҳнат ветеранлари ҳар ойда 60 сўм ва ундан ҳам кам миқдорда пенсия олмоқдалар. Шулардан 10 миллион нафари якка-ёлғиз яшайди, уларда турмуш кечириш учун бошқа ҳеч қандай манбаа йўқ. Айниқса озиқ-овқат ва саноат моллари нархи назоратсиз оширилаётгани, арзон моллар тобора камайиб бораётгани уруш ва меҳнат ветеранларининг шундай ҳам қийин аҳволини янада оғирлаштириб юборди.

Уруш ва меҳнат ветеранлари Бутуниттифоқ кенгаши барча ветеранлар ташкилотларидан сайланган халқ депутатлари номидан съездда кўриб чиқиш учун қуйидаги таклифларни киритдилар:

1. Ҳар ойда 50 сўм ва ундан кам пенсия олаётган уруш қатнашчилари, фронтчилар, солдат бевалари пенсияларига тирикчилик учун зарур бўлган миқдорда қўшимча бериш учун шу йилнинг ўзида 100 миллион сўм маблағ топиш керак:

2. Янги пенсия қонунида уруш қатнашчилари — фронтчилар, партизанлар оширилган пенсия олишлари учун асос бўладиган масалани кўриб чиқмоқ зарур. Биз иккинчи жаҳон урушида қатнашган иттифоқчи давлатлар орасида ветеранлар, фронтчилар ва партизанларга махсус пенсиялар эмас, балки меҳнат пенсияси, шунда ҳам энг кам миқдордаги пенсия берилаётган ягона мамлакатмиз;

3. Янги қонунни, уни қабул қилгунга қадар амалга оширишни 1990 йилдан бошлаш лозим. Уни 1990 йилдан, илгари бизда амал қилинганидек, регионлар бўйича эмас, балки социал группалар бўйича бошлаб юбориш, энг аввало ҳар ойда 60 сўмдан кам миқдорда пенсия олаётган уруш қатнашчилари ва меҳнат ветеранларининг пенсияларини тирикчилик қилиш учун зарур бўлган миқдорга қадар кўпайтириш лозим.

Съездда, шунингдек, мансабдор бюрократик шахсларнинг уруш ва меҳнат ветеранларига нисбатан дағал муомалада бўлаётганларигина эмас, гражданлар маълум бир қисмининг уларга нисбатан менсимай ва камситиб муносабатда бўлаётгани каби ҳоллар ветеранларни таҳқирлаётгани ҳақидаги масала ҳам кескин қилиб қўйилди. Баъзи партизанлар ва окопларда жанг қилган ҳарбий хизматчилар ҳатто ўзларининг жанговар орденларини фақат 9-Май байрамидагина тақиб чиқмоқдалар. Бошқа пайтларда эса магазинлардаги навбат кутишларда, трамвай ва автобусларда ҳар хил ҳақоратли гапларни эшитишдан чўчиб орденларини тақишдан ийманаётирлар. Афсуски, матбуотда баъзан эълон қилинаётган мақолалар ҳам уруш ветеранларига нисбатан ана шундай ҳурматсизлик билан муомалада бўлишга таъсир кўрсатяпти. Газета ва журналларда босилаётган айрим мақолаларда мамлакатимизнинг 70 йиллик тарихи бир-бирига уланиб кетган хато ва жиноятлар занжиридан иборат, ана шу жиноятларнинг асл сабабчилари кекса авлодга мансуб кишилар, деган мазмундаги талқинни ҳам учратиш мумкин.

ТАРИХИМИЗНИНГ ҳарбий даврини таҳлил этиш жараёнида баъзи кишилар ҳатто масъулиятни ҳис этмай, нотўғри хулосалар чиқараётгани, халқнинг қаҳрамонона ишларига нуқул қора бўёқ чаплаётгани, Қизил армия қўмондонлиги фаолиятини камситиб кўрсатишга, жанговар совет солдатининг ўтмишини назар-писанд қилмаслик каби ҳолларга сира ҳам йўл қўйилмаслиги керак. Ҳолбуки, ана шу «тарихчи»ларнинг ўзлари ёруғ дунёда яшаб келаётгани учун Улуғ Ватан урушида ғолиб чиққан совет жангчиларига қуллуқ қилишлари зарур.

Бутуниттифоқ ветеранлар ташкилотидан сайланган депутатлар барча уруш ва меҳнат ветеранлари номидан съездда жамиятда социализмни рад этиш, капиталистик жамиятдаги сингари бозор муносабатлари учун жон куйдириш ва ҳатто кўп партиялиликни ёқлаш ғоялари ва ана шу ғояларнинг жарчилари пайдо бўлиб қолаётгани масаласини жиддий қилиб қўйдилар.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков ўзининг «СССР ҳукуматининг келгуси фаолияти программаси тўғрисида»ги докладида уруш ва меҳнат ветеранлари, пенсионерлар ва ночор яшаётган гражданларнинг моддий аҳволини яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалаларни пайсалга солиб бўлмаслигини эътироф этди, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва ҳукумат келажакда қабул қилинадиган пенсиялар тўғрисидаги қонун доирасида амалга ошириладиган бир қанча ниҳоятда жиддий ва кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ҳал этиш муддатларини тезлаштириш имкониятларини ҳар томонлама чамалаб кўрганлиги тўғрисида ахборот берди. Унинг таъкидлашича, келгуси йилнинг ўзидаёқ қарийб 22 миллион совет кишиси ўз турмушидаги социал ўзгаришларни ҳис этади.

Ветеранлар амалга оширилаётган бу тадбирларда съезд ишининг аниқ натижаларини кўрдилар. Бугун кекса авлод тўғрисида ғамхўрлик қилиш, совет жамиятининг юксак маънавий бурчи, деган маълум қоида муайян мазмун билан бойиди. Буни съезд ветеранлар ва инвалидлар ишлари бўйича СССР Олий Советининг комитетини тузганлиги, Бутунроссия уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси Николай Васильевич Босенко унинг раиси этиб сайланганлиги факти ҳам тасдиқлаб турибди.

Съездда қайта қуриш республикаларда вақтида олди олинмаган анчагина иллатлар юзини очиб ташлаганлиги ҳам алоҳида қайд этилди. Кейинги йилларда баъзи районларда содир бўлган хунук воқеалар ҳал этилмаган муаммолар нималарга олиб келишини амалда кўрсатди. Бундай ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаблари турлича бўлса ҳам, аммо улар жуда кўп ҳолларда кейинги ўн йилликлар давомида миллий сиёсатнинг бузилганлиги, иқтисодий ривожланишда қўпол хатоларга, социал-маиший ва маданий соҳаларда тартибсизликларга йўл қўйилганлиги билан узвий боғлиқдир.

Ҳаммамиз ҳам съездда миллатлараро муносабатлар масалалари ва у билан боғлиқ бўлган Қозоғистон, Болтиқбўйи республикалари, Молдавия, Арманистон, Грузия, Озарбайжон ва мамлакатнинг бошқа бир қатор районларида, жумладан республикамизнинг Фарғона областида рўй берган воқеалар муфассал ва диққат билан муҳокама қилинганлигининг гувоҳи бўлдик.

Ошкоралик шароитида миллатлараро муносабатларда ҳал этилмаган муаммоларнинг намоён бўлганлигидан фойдаланаётган ва ўзларининг демагогиядан иборат шиор ва чақириқлари билан маълум бир миқдордаги аҳолининг, жумладан ёшларнинг беқарор қисмини ўз томонига оғдириб олишга муваффақ бўлаётган экстремист шахслар ва қайта қуришга қарши бўлган бир гуруҳ жиноятчиларнинг хавфли фаоллик кўрсатаётганлигига сира шубҳа йўқ.

Фарғона областида рўй берган фожиали воқеалар Ўзбекистон меҳнаткашлари ва мамлакатимиздаги барча халқлар қалбида чуқур аламли из қолдирди. Биз рўй берган воқеани чуқур таҳлил этишимиз, унинг ҳақиқий сабабларини ва ҳақиқатни аниқлашимиз, энг муҳими, бундан буён бундай фожиа қайтарилмаслиги учун барча чора-тадбирларни кўришимиз керак.

Бугунги кунда меҳнаткашлар ҳақли равишда савол беришмоқда: ўзининг байналминал анъаналари билан кучли бўлган, неча ўн йиллардан бери туб аҳоли билан ёнма-ён юздан зиёд миллат вакиллари яшаётган ва меҳнат қилаётган республикада қандай қилиб бу фожиа содир бўлди? Уруш йилларида миллионлаб совет кишиларини ўз бағрига қабул қилган, уларга бошпана ва ризқ берган, Сталин режими даврида ноҳақ қатағон қилинган халқларга қаддиларини кўтариб олишда ёрдам берган Ўзбекистонда қандай қилиб бу воқеа юз берди?

«Литературная газета» мухбири билан суҳбатда таъкидлаб ўтганимдек, фожиани келтириб чиқарган турли вазиятлар тасодифан тўқнашиб шу нарса юз берди, деган хом хаёлга берилмаслигимиз лозим. Гап миллий ўз-ўзини англаш, шиори остида миллатлараро муносабатларни кескинлаштиришга, республика тараққиётининг ҳозирги босқичидаги реал қийинчиликлардан, экономика, социал соҳа, маданият экологиядаги кўпгина танг жойлардан фойдаланиб, очиқдан-очиқ ва ҳеч нарсадан тап тортмай қилинган ҳаракатлар тўғрисида бормоқда.

ВАЗИЯТНИ чигаллаштириш, қайта қуришни обрўсизлантиришдан покланиш жараёнлари, салбий ҳолларга қарши кураш натижасида эгаллаб турган лавозимларидан четлаштирилган ҳамда жазоланган шахслар манфаатдор бўлганликларини ҳам унутмаслик керак. Уларнинг бир қисми кейинги пайтларда юзага келган ҳолатлардан фойдаланиб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети вазиятни соғломлаштириш бўйича амалга оширган ишларни йўққа чиқаришга, бу ишларни жамоатчилик кўз ўнгида ўзбек халқининг қадр-қиммати ва шон-шарафини оёқ ости қилиш, деб тасвирлашга интилмоқдалар. Аммо биз — коммунистлар ҳақиқатнинг кўзига тик боқишимиз керак. Қўшиб ёзишлар, порахўрлик ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилиб, ўзини бадном этган шахсларга нисбатан ҳеч қандай юз-хотирчилик бўлмаслиги зарур. Биз покланиш ва соғломлаштиришнинг принципиал партиявий йўлини қатъият билан ҳаётга тадбиқ этаверишимиз даркор.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида Фарғона областида рўй берган фожиали воқеаларнинг барча жиҳатларини ўрганиш бўйича махсус комиссия тузилган. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси М. И. Иброҳимов бошчилик қилаётган бу комиссия рўй берган воқеаларни ҳар томонлама ва чуқур текшириб чиқиши ҳамда ўз хулосаларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига тақдим этишига, комиссия ишининг натижалари ҳақида республика меҳнаткашларини батафсил хабардор қилишига ишонамиз.

Республикамиз тарихида кўплаб танг вазиятлар рўй берган. Лекин партия ташкилотимиз ҳамма вақт ўзида вазиятни тўғри баҳолай олишга, қийинчиликларни матонат ва қатъият билан бартараф этишга куч топа олган. Коммунистлар ҳозирги ниҳоятда мураккаб вазиятда ҳам олдинда турган масъулиятли вазифаларнинг бутун оғирлигини ўз зиммаларига олишларига ҳамда уларни бажариш учун ўз атрофларига барча соғлом кучларни уюштиришларига ишончимиз комил.

Съезд мамлакат олдида кўндаланг турган экология муаммолари, жумладан Оролни қутқариб қолиш масалаларига, мамлакат агросаноат комплекси фаолиятини тубдан яхшилаш чора-тадбирларига катта эътибор берди. Қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи депутатларнинг мурожаатномаси маъқулланди.

Умуман, мамлакатни боқиш муҳим социал-сиёсий вазифа даражасига кўтарилди. Бу соҳадаги мураккаб қайта қуриш жараёнига коммунистлар бошчилик қилмоқдалар. Улар шаҳар ва қишлоқларнинг интеграциялашувини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, партиянинг аграр сиёсатини изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этиш, уни маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда конкретлаштириш соҳасида фаол иш олиб бормоқдалар. Бу умумдавлат ишида қишлоқда яшаётган уруш ва меҳнат ветеранлари ҳам муҳим роль ўйнашлари мумкин ва зарур.

Яна бир нарса. Аввалги даврлардан фарқли тарзда бу гал партия шанига фақат мақтовлар айтилгани йўқ. Биз ошкора суҳбатнинг, аксарият ҳолларда ҳаққоний танқиднинг шоҳиди ҳам бўлдик. Нима ҳам дердик, ўз вақтида В. И. Ленин партия учун «манмансираш»дан кўра ҳалокатлироқ ҳолат йўқ эканлигини таъкидлаб, революцион партия ўз фаолиятига албатта танқидий муносабатда бўлиши лозимлиги ҳақида огоҳлантирган эди. Партия йўл қўйилган хатоларни очиқ-ойдин айтди. Бу хатолар учун масъулиятни ўз бўйнига олиб туб ўзгаришлар ижодкори бўлиб майдонга чиқди. Шу муносабат билан айрим депутатларнинг партияга қарши очиқдан-очиқ хуруж қилганликлари, партия билан халқни ажратишга, уларни бир бирига қарама-қарши қўйишга, коммунистлар фаолиятини фақат хатолар тизмасидан иборат деб тасвирлашга интилганликларини биз қатъиян қоралаймиз.

Партия совет жамиятидаги бошқа барча органлар ва ташкилотлар фаолиятини интеграцияловчи ва бирлаштирувчи кучдир. Айни пайтда партия ғайрат-шижоат билан пухта ўйланган реал сиёсатни ўтказиши, бунда ўзининг хатолардан ҳоли эмаслиги ва мутлоқ ҳақиқатга эришилди, деб даъво қилмаслиги, аксинча бутун жамиятни, бутун интеллектуал кучларни мамлакат фаровонлиги учун биргаликда ишлашга жипслаштира олиши зарур.

Биз партиянинг обрў-эътибори ҳақида гапирар эканмиз, аввало коммунистларнинг обрў-эътиборини назарда тутамиз. Партия аъзоларининг аксарият қисми халқнинг фахридир. Уларнинг иш ва турмушларига ҳавас қилса арзийди. Лекин коммунист деган юксак номга эга бўлган барча партия аъзолари ҳам бу номни шараф билан оқлаяптиларми? Ҳар бир коммунист меҳнатда ва ижтимоий ҳаётда чинакамига ибрат кўрсатяптими? Нима учун партиявий интизом ва партия олдидаги масъулият сусайиб кетди? Нима учун партия билетига эга бўлган кишилар ўртасида ахлоқ нормаларидан, қонунлардан четга чиқиш, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ҳоллари учраб турибди.

Янгича шарт-шароитларда коммунистнинг ахлоқ-одоби қадр-қиммати, ғоявий дунёқараши мустаҳкамлиги тўғрисидаги тушунчалар, айниқса кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

ОЛДИНДА КПССнинг XXVIII съездига тайёргарлик ишлари турибди. Партия аъзолари учун совет халқ ҳокимиятчилигининг қийин мактабини зўр бериб қатъият билан ўзлаштиришдан кўра муҳимроқ вазифа йўқ. Партия фақат ўзининг интеллектуал имкониятларини мунтазам ошириб бориб миллионлаб коммунистларнинг тажрибасини, ғайрат-шижоати ва ташаббускорлигини ўзида жамлаб, барча совет кишилари, қайта қуриш ишига содиқ бўлган барча расмий ва норасмий жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари билан узвий алоқада бўлибгина уларнинг куч-ғайратлари билан ўзининг социализмни янгилашдан иборат тарихий вазифасини уддалай олади.

Съезд якунланди. Шу билан бирга у давом этмоқда, дегиси келади кишининг. Зеро, унинг иши ўзи сайлаган СССР Олий Совети тимсолида давом этмоқда. Съезд шунинг учун ҳам яна давом этмоқдаки, у қайта қуриш фарзанди сифатида майдонга чиқди. Қайта қуриш даврида юзага келган энг яхши нарсаларни ўзида мужассамлаштирди. Булар шунчаки оддий гаплар эмас, балки юз бераётган воқеаларни чуқур ҳис этиш, энди эски даврларга қайтиб бўлмаслиги, эскичасига яшаб бўлмаслигини англаб етиш демакдир. Умуман олганда В. И. Лениндан сўнг бундай съезд бўлгани йўқ. Шу боис ҳам съезд сохта якдиллик ва дабдабали ҳамфикрликдан халос бўлган инсоний ва самимий анжуман бўлди.

Съезд тугагандан сўнг, ҳис-ҳаяжонлар, кечинмалар, баҳслар изи совимай туриб анжуманга тўлақонли, боз устига батафсил баҳо бериш қийин. Чунки бу воқеа ўз моҳияти жиҳатдан ниҳоятда кўламлидир. Бироқ факт фактлигича қолади. Давлат ҳокимиятимизнинг олий органи сиёсат билан шуғулланди. Ҳа, план билан эмас, бюджет билан эмас, айрим қонунлар билан эмас, балки сиёсат билан шуғулланди.

Биз съезд демократия, ошкоралик, очиқ-ойдинлик мактаби бўлди, демоқдамиз. Ҳақиқатан ҳам шундай. Лекин унинг яна бир диққатга сазовор хусусияти борки, у тўғрида индамай ўтиш мумкин эмас. Съезд қайта қуриш саҳнасига чиққан янги кишиларни кашф этди. Биз илгари уларни деярли билмас эдик, ўзларини кўрмаган эдик. Орамизда кўплаб янги номлар пайдо бўлганлиги ҳам кутилмаган, ҳам қувончли ҳодисадир. Янги номлар минбарда ўзларини дадил тутишлари, муаммолар ҳақида чуқур ва янгича фикрлашлари, ҳаётни яхши билишлари кишини ҳайратга солди. Бундан қувонмаслик мумкин эмас.

Эҳтимол биз съезд тўғрисида ва унинг сабоқлари ҳақида узоқ вақт мулоҳаза юритамиз. Шу жумладан, партия шанига айтилган танқидий фикрлар тўғрисида ҳам мулоҳаза юритамиз. Тўғри партия бутун ҳаётимизни янгилаш ва поклашни бошлаб берди. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, айни пайтда жамиятда рўй бераётган демократиялаш жараёни партиядаги шундай жараёндан илдам бормоқда. Ҳар бир коммунист ўйлаб кўрса бўладиган масалалар кўп. У ўз одимини қайта қуриш одимига таққослаб, текшириб олиши керак. Буни кўпроқ депутат коммунистлар қилишлари керак. Уларнинг биронтаси ҳам ўзини партия шанига айтилган танқиддан, партиявий ўртоқчиликдан, ишларнинг аҳволи учун жавобгарликдан четга олишга ҳаққи йўқ.

Съезд натижаларига баҳо беришда фикр мулоҳазалар ниҳоятда кўп бўлди. Бу табиий ҳолдир. Энг муҳими шундаки, съезд совет жамиятини ривожлантиришнинг сиёсий йўлини тасдиқлади ва чуқурлаштирди. Ички ва ташқи сиёсатнинг асосий жиҳатларини белгилаб берди.

Биз съезд билан хайрлашмаймиз. У узоқ давом этган шахсга сиғиниш йилларидан сўнг, турғунлик давридан, дабдабабозлик ва сохта якдилликлардан кейинроқ ярқ этиб ўтгани биз учун айниқса қимматлидир. Биз съезд билан хайрлашмаймиз. Негаки, съезд қабул қилган «СССР ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарори асосида яшашимиз ва ишлашимиз керак. Биз ҳали Совет халқ ҳокимиятчилиги мактабида жуда кўп ўқишимиз лозим. Ҳа, зўр бериб ишлашимиз ва ўқишимиз зарур.

• Ўткир социал масала •

«Қишлоқ меҳнаткаши учун уй ва ер»

Орзулар ушалади

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг яқинда бўлиб ўтган кенгайтирилган кенгаши материаллари бригадамизда қизғин мунозарага сабабчи бўлди. Зеро, қишлоқ меҳнаткашини уй ва ер билан тўла таъминлаш — ҳар биримизнинг орзуимиз эди.

Бригадамиз аъзолари область маркази ёқасидаги Моҳи Хоса посёлкасида истиқомат қилишади. Кўп йиллардан буён посёлка бош планга эга бўлмагани учун одамлар жуда зич яшашади. Қурилиш қилиш учун ҳеч қандай имконият йўқ. Бундай шароитда шахсий томорқа хўжалигини ривожлантириш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, албатта.

Ваҳолонки, бригадамизда деҳқончилик илмини обдон эгаллаган ажойиб сабзавоткорлар бор. Чунончи, Сафар Носиров пудратга олган бир гектар майдондан 21 тонна эртаки карам олиб, ҳозир бўшаган майдонда кечки карам ва сабзи етиштирмоқда. Худоёр Жумаев, Муаззам Сулаймонова, Хўжақул Рўзиев, Ато Қиличев каби оилавий пудратчиларимиз йилига ҳар гектардан 10-12 минг сўм даромад кўришмоқда. Уларнинг шахсий томорқа хўжалигини янада ривожлантиришга ҳам қурбилари етади. Бироқ, ҳозиргача бу масалага ҳеч ким бош бўлмаган эди. Эндиликда долзарб муаммонинг республика ҳукумати кенгашида кўрилиши уларда ижобий ўзгаришларга умид боғлади.

Куни кеча совхозимиз маъмурияти, партия комитети Отбозор қишлоқ Советининг ижроия комитети билан ҳамкорликда меҳнат коллективининг кенгашини ўтказди. Унда келгусида якка тартибда уй-жой қуриш ва томорқа учун ер ажратиш масалалари билан шуғулланувчи комиссия составини дастлабки тарзда кўриб чиқилди. Бу соҳада тўпланиб қолган муаммолар тўғрисида очиқчасига гаплашиб олинди.

Область ижроия комитети совхозимизни социал-иқтисодий ривожлантириш планини қабул қилган. Шунга асосан **мавжуд 11 қишлоқ ва посёлкадан 6 тасининг бош плани ишлаб чиқилди.** Албатта область маркази билан чегарадош шароитда совхоз хонадонларининг томорқа майдонини икки баравар кенгайтиришнинг имкони йўқ. Биз **посёлкалардан ташқарида бўлган ҳосилдор ерлардан хусусий полиз учун майдон тақсимлаб беришга келишдик. Томорқага берилган ерлар ҳосили эса бригаданинг бошқа майдонларида самарадорликни кескин ошириш ҳисобига қопланади. Бу йил топшириладиган 12 минг тонна сабзавотни совхоз келгуси йилда ҳам беради.**

Менимча, қишлоқ жойларида яшовчи гражданларга хусусий полизлар ажратиб бериш пайтида илгари томорқасидан қандай фойдаланганн билан бир қаторда оиланинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ролига ҳам аҳамият берилиши лозим.

Шу йилнинг ўзида 2 миллион шартли банка маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган консерва заводи ишга туширилади. 1991 йилда бундан 2,5 баравар қувватга эга бўлган яна битта завод, мева қуритиш, майиз тайёрлаш цехлари, 6 гектарлик янги теплица ишлай бошлайди. Йирик чўчқахона, қўйчилик фермаси, балиқчилик хўжалиги ташкил қилинмоқда. Совхоз ҳузуридаги кооперативда қуёнчилик ва ондатрачилик йўлга қўйиляпти. Буларнинг ҳаммаси учун ишчи кучи керак бўлади.

Меҳнат кишиси тўғрисида ғамхўрлик совхозда кун тартибига қўйилган муҳим масаладир. Кейинги даврда замонавий амбулатория, ҳаммом қурилди. Мактаб, боғча, қариялар чойхонаси, ёзги ва қишки кинотеатрлар, бошқа социал-маиший объектлар қурилиши жадал давом этмоқда. Йўллар асфальтланиб, кўчалар электрлаштирилмоқда. Бу қурилишларнинг кўпчилиги совхоз ресурслари эвазига хўжалик ҳисоби йўли билан амалга оширилмоқда. Умуман, совхозда белгиланган социал-иқтисодий юксалиш планига кўра яқин келажакда 15 миллион сўмлик қурилиш ишларини бажариш кўзда тутилган.

Кези келганда яна бир муаммога тўхталмоқчиман. Совхоздаги Моҳи Хоса ва Шехон посёлкалари бош планини тузиш масаласи кўп йиллардан буён пайсалга солинмоқда. Бунинг боиси мазкур посёлкаларнинг шаҳар чегарасига кирганидир. Бу масалани на шаҳар ижроия комитети, на область архитектура бошқармаси ўз зиммасига оляпти. Натижада, мазкур посёлкаларни ободонлаштириш, совхоз ишчилари учун якка тартибда уй-жой қуриш йўлида тўғаноқ ҳосил бўлган. Ўйлайманки, Бухоро шаҳар ижроия комитети республика ҳукумати кенгашида қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, масалани тезда ижобий ҳал қиладилар.

Х. ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Бухоро районидаги Фрунзе номли сабзавотчилик совхозининг бригада бошлиғи.

Ярим-ёрти қарорлар вақти эмас

— Яқин-яқингача биз — хўжалик раҳбарлари якка тартибда уй қуриш учун ер участкаси ажратиш тўғрисидаги масалани ҳал этишда қийналар эдик — дейди Андижондаги Карл Маркс номли совхоз директори Шавкат Мадухонов. Аввалги йилларда ўзимизни хавф остига қўйиб партия ва маъмурий жазолар муқаррарлигига қарамай, уйга ниҳоятда муҳтож кишиларга ер участкалари ажратиб берар эдик.

Энди у пайтлар ўтиб кетди. Аммо ҳозирги кунда ҳам суғориладиган ерларни якка тартибда қурилиш учун ажратаётганимда хўжаликнинг деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш плани тўғрисида бош қотирмай иложим йўқ. Хўжаликнинг ер ресурслари чекланган, ҳар йили эса юзлаб гектар ер капитал ва якка тартибдаги қурилишларга ажратиб берилмоқда. Шундай бўлишига қарамай, планлар деярли ўзгармаяпти.

Бошқа томондан олганда деҳқонлар қурилишга қарз беришларига умид қилиб, участка олишади. Лекин кўпинча, айниқса кейинги икки йил мобайнида бу умидлар умидлигича қолмоқда. Натижада қишлоқ хўжалик оборотидан уй қуриш учун аранг ажратиб олинган ер узоқ вақт бўш туриб қолади.

Ҳукуматнинг қарорида банкларга «Якка тартибда уй-жой қурилишига кредит ресурсларини кўпайтириш учун қўшимча имкониятлар қидириб топилсин», деган мавҳум кўрсатма берилган. Аслида эса бериладиган қарз миқдори, уларни қидириб топиш муддатлари ва қишлоқ меҳнатчиларига бериладиган кредитлар, бошқа манбалари конкрет белгилаб берилса яхши бўларди.

Иш билан ерни қаердан олайлик?

— Бир неча йилдан буён мен иш кунимни нимадан бошлашимни биласизми? — деб сўрайди Чортоқ районидаги «Москва» колхозининг раиси Ҳ. Ғайбуллаев. — Ишга қабул қилишни сўраб келганларга рад жавоби беришдек ноҳуш гаплардан бошлайман.

Правлениега кираверишдаёқ кекса ва ёшлардан иборат бир гуруҳ одамларни кўраман. Улар нимага келишганини биламан. Колхозчиларимизнинг фарзандлари армиядан қайтганида эса бундай оқим яна ҳам кўпаяди. Мен нимани ҳам таклиф қила олардим? Колхозга қабул қилишнинг ҳам муайян чегараси бор ва янги ходимларни ишга олишга зарурат йўқ. Умуман хўжаликда 1200га яқин киши бор. Меҳнатга яроқли аҳоли эса олти мингдан ошади. Демак энг аввало одамларга иш бериш керак. Кабель заводи ва тикувчилик фабрикасининг территориямизда жойлашган икки филиали вазиятни яхшилай олмайди: уларда атиги 250 киши меҳнат қилади.

Мени яна бошқа бир нарса ташвишлантиради. Қарорда таъкидланганидек, қишлоқ жойлардаги истак билдирган ҳар бир оила томорқа участкаси билан таъминланиши керак. Уй қуришни истаган ҳар бир деҳқонга ана шундай имконият берилиши лозим. Аммо бу муаммо қандай ҳал этилиши керак? Бизнинг район билан колхоз областда аҳоли энг зич бўлган жойдир. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, «ҳар бир қишлоқ меҳнатчисига уй ва ер» деган принципни тўла амалга ошириш учун бизга камида 500 гектар ер керак бўлади. Ваҳолонки, хўжаликнинг экин майдони атиги минг гектардан салгина ошади. Қўшниларимизда ҳам аҳвол шундай.

Бунинг иложини топиш мумкинми? Балки қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ёпиб, саноат ишлаб чиқаришини устириш керакдир? Менинг фикримча: қарор қабул қилдингизми, уни белгиланган ишларни амалга оширишга кўмаклашадиган тегишли конкрет чора-тадбирлар билан мустаҳкамлангизда.

(ЎзТАГ).

КУРСАНТЛАРНИНГ ОЛИЖАНОБ ИШИ

ҚЎҚОН (Фарғона области), 13 июль. (ЎзТАГ мухбири). «Она ва чақалоқнинг аҳволи дуруст. Сизларга раҳмат, йигитлар!» шаҳардаги туғуруқхонанинг врачлари СССР Ички ишлар министрлигига қарашли Пермдаги ички қўшинлар олий командирлик билим юртининг курсантларидан С. Вебер, А. Петров, С. Соловьев ва Ю. Романюкни бугун эрталаб ана шундай сўзлар билан кутиб олдилар. Бўлажак офицерлар соқчиликдан кейин Фотима Пўлатова ва унинг чақалоғи соғ-саломатлигини билиш учун бу ерга келишган эди. Агар курсантлар бўлмаганида фожиа юз бериши тайин эди.

...Бу воқеа тунда содир бўлди. Қўқондаги кондитер фабрикасининг 26 ёшли ишчиси, икки боланинг онаси Ф. Пўлатова туғуруқхонага оғир аҳволда келтирилди. Врачлар онанинг кўзи ёриши чоғида кўп қон кетганлиги сабабли аёлнинг ҳаёти қил устида турибди, деган хулосага келдилар. Она ва бола ҳаётини фақат донорларгина сақлаб қолиши мумкин эди. Зудлик билан 1 группа қон топиш керак эди. Туғуруқхонанинг бош врачи ярим кечада кўчага югуриб чиқди, бу ерда курсантлар соқчилик хизматини ўташётган эди. Бош врач уларга аҳволни тушунтирди. Тўрт нафар ҳарбий хизматчининг қон группаси тўғри келиши аниқланди. 1250 миллилитр қон қуйилгач, ўлим билан олишиб ётган онанинг кўзлари очилди. Ф. Пўлатованинг ҳам, чақалоқнинг ҳам ҳаёти энди хавф остида эмас.

Жалил Маликович МАЛИКОВ

Партия ва меҳнат ветерани, иттифоқ аҳамиятидаги шахсий пенсионер Жалил Маликович Маликов узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 1989 йил 11 июлда вафот этди.

Ўз умрининг сўнгги кунигача партияга хизмат қилиб келган содиқ дўст, принципиал ўртоқ, садоқатли коммунистнинг юраги уришдан тўхтади.

Ж. М. Маликов 1913 йилда Тошкентда туғилди, ёшлигиданоқ меҳнат фаолияти билан шуғуллана бошлади, олий ҳуқуқшунослик маълумотини олди. Хоразм ва Андижон областларидаги суд органларида узоқ вақт масъулиятли лавозимларда ишлади. 1951 йилдан бошлаб масъул партия ишида бўлди: Хўжаобод, Олтинкўл район партия комитетларининг биринчи секретари, Андижон ва Тошкент область партия комитетларининг секретари бўлди, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аппаратида ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида ишлади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси бир неча съездининг, область партия конференцияларининг делегати, бир неча Советларнинг депутати бўлиб сайланди. Партия ва давлат олдидаги хизматлари учун Ленин ордени билан, иккита «Ҳурмат Белгиси» ордени, медаллар билан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

Ж. М. Маликов ҳамма соҳалардаги ишда ўзининг принципиал раҳбар, моҳир ташкилотчи ва меҳрибон ўртоқ эканини кўрсатди.

Жалил Маликовичнинг порлоқ хотираси қалбларимизда абадий сақланиб қолади.

М. М. Мирқосимов, М. М. Орипжонов, Н. Д. Мизякин, Р. Ғ. Ғуломов, О. А. Алимов, Н. А. Муҳиддинов, А. П. Алимов.







Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институти қошидаги клиника шифокорлари 40 йилдан буён эл соғлиғини кўзлаб меҳнат қилмоқдалар.

Бу ерда бешта бўлим мавжуд бўлиб, унда 300 бемор даволанади. Унинг 120 нафарини болалар ташкил этади. Институт олимлари ва шифокорлари клиникада замонавий асбоб-ускуналарни қўллашга интилмоқдалар. Бу ерда Илизаров, Каленберз, Волков-Огонесян методлари бўйича жарроҳлик ишларини олиб бораётирлар. Республикадаги қишлоқ хўжалигида рўй бераётган жароҳатлар муаммолари ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Суратларда: 1. Бош врач беморлар ҳузурида. 2. Медицина ҳамшираси Карима Зокирова 30 йилдирки, шу ерда меҳнат қилиб келаётир. 3. Травматология бўлимининг (чапдан ўнгга) кичик илмий ходими М. Асанов, медицина фанлари номзоди, бўлим мудири А. Равшанов, Тошкент Давлат медицина институти кафедраси ассистенти, медицина фанлари номзоди Г. Эшонқулов.

Суратларни В. МОЛГАЧЕВ олган.

Ахборот

ҚРИМ ТАТАРЛАРИ ТИЛИДА

Симферополда «Кримская правда» газетасига ҳафталик илованинг биринчи сони босилиб чиқди. Бу ҳафтанома қрим татарларининг тилида чиқарилади ва «Достлук» («Дўстлик») деб аталади.

Янги ҳафтаноманинг мазмуни номига жуда муносиб, ундаги кўпгина мақола ва хабарлар турли миллат кишиларининг меҳнатдаги қардошлигига бағишланган. «Аграрний» совхозининг директори Ахтем Типпа журналист билан суҳбатда шу дўстлик ҳақидаги фикрларини баён этган. У қрим татарларининг вакиллари кўпчилик бўлган шу ҳўжаликка яқиндагина бошчилик қила бошлади. Шу саҳифанинг ўзида Симферополь университетининг қрим татар тили ва адабиёти бўлимига, шунингдек М. Горький номидаги Қрим академик рус театри ҳузурида тузилаётган миллий театр студиясига дастлабки студентлар қабул қилина бошлаганлиги тўғрисидаги хабарни ўқиш мумкин.

Ҳафтанома ўзининг яқин орадаги сонларида қрим татарларининг тарихи тўғрисидаги очерклари, мутахассисларнинг тил муаммоларига, Ярим Оролнинг табиатини муҳофаза қилишга бағишланган мақолаларини эълон қилишни режалаштирмоқда.

«Достлук» ҳафтаномасини Қрим областидаги «Союзпечать» дўконларидагина эмас, Херсон областида, Краснодар ўлкасида ҳамда Ўзбекистонда ҳам сотиб олиш мумкин.

Симферополь
Л. РЯБЧИКОВ,
(ТАСС мухбири).

ҚАШҚАДАРЕ

МОЙЖУВОЗЛАР

Косон район колхоз ва совхозларида бу йил пахта экин майдонларидан чегириб қолинган 500 гектардан зиёд ерда хуштаъм зиғир етиштирдилар. Айни пайтда шифобахш зиғир мойи ишлаб чиқариш ҳам мўлжалланмоқда. Шу мақсадда районнинг 20 га яқин хўжалигида жувоз ташкил қилинадиган бўлди.

КОРХОНА ФИЛИАЛИ

Косон шаҳрида Қозон оптика-механика заводининг филиали очилди. 55 нафар инженер-техник ходим Қозонда қайта тайёрлов курсида ўқиб қайтди. Оптика буюмлари ишлаб чиқарадиган мазкур филиал келгусида 3 минг киши ишлайдиган йирик корхонага айланади.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• ГАЗЕТХОН ФЕЛЬЕТОНИ •

САНСАЛОРЛИК СОЛНОМАСИ

Болаликдан тасаввурга сингиб кетган бир кўриниш бор: тошдан-тошга урилиб оқаётган зилол сувли шарқироқ сой, сой бўйидаги мажнунтол, мажнунтол тагида ҳовучлаб сув ичаётган қиз... Атроф эса кўм-кўк. Бу Фарғона, дейсиз, албатта. Бироқ ҳозир бундай ҳолатни биз, фарғоналиклар ҳам фақат тасаввур қила оламиз, холос. Чунки бу сойларнинг суви турли саноат чиқиндилари билан ниҳоятда ифлосланган. Ҳа, областда ичимлик сув муаммоси ўта жиддий. Ўн мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган бизнинг колхозимиз аҳли ҳам тоза ичимлик сув билан тўла таъминланмаган. Водопровод системаси ишламайди эмас, ишлайди. Бироқ бундан йигирма йил бурун қурилган водопроводлар ишдан чиқиб қолган. Бунинг устига янги очилган кўчалар, маҳаллаларда водопровод йўқ. Уч йил аввал колхоз аъзоларининг умумий йиғилишида тўқизта артезиан қудуғи қазиш ҳақида қарор қабул қилинганди. Колхозчилар ўша куни уйларига келиб шўр сув ичаётган болаларининг бошини силашганди: «Қайгурма, қўзим, яқинда ширин сув ичасан...»

Колхоз гидротехниги бўлганим учун қудуқлар қазиш масаласини ҳал этиш менга юкланди. Мен ҳам белни тортиб боғлаб ишга киришдим. Бироқ қудуқ кавлатиш йўлида қанчалар сарсон бўлишимни билганимда балки ўша умумий йиғилишнинг ўзида истеъфо берармидим?! Нега дейсизми? Аввало ўз пулимизга, ўз еримизда қудуқ кавлатамиз деб ўйлаган эдик. Йўқ ундай эмас экан. Қудуқ кавлатиш учун ҳужжат тайёрлашнинг ўзи машаққатга айланиб кетди. Қаранг, қудуқ қазиш учун ер ажратишнинг ўзига қуйидаги ташкилотлардан:

а) республика яйлов-мелиорация қурилиш бошқармасининг область бўлинмаси;

б) область гидрогеология ва инженерлик геологияси партияси;

в) область сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бошқармаси;

г) район ички ишлар бўлими ёнғин назорати инспекцияси;

д) район санитария-эпидемиология ва соғлиқни сақлаш ташкилотлари;

е) район электр тармоқлари идораси;

ё) район чорва молларини даволаш станцияси:

ж) район архитектура бўлимидан рухсат олиш керак экан!

Бу ташкилотларга қатнай-қатнай туфлимнинг пошнаси ейилиб кетди, жағим толди. Лекин кўз олдимга ичимлик сув талаб қилаётган халқ келиб, курашда давом этдим. Ниҳоят, барча имзолар тўпланди. Тегишли ҳужжатлар район Совети ижроия комитетига топширилди. Ижроком ўз навбатида қудуқ кавлатиш ҳақида қарор чиқарди. Бу ҳужжатларни «Узмежколхозпроект» институтининг область филиалига олиб бориб топширдим. Бу ерда ҳам иш дарров бита қолмади. Филиал мутасаддилари «Узгипросельводоснабжение» республика лойиҳалаш институтига ҳўжалигимиз учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлаб беришни сўраб алоқа хати ёзиб беришди. Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр бўлгач эса, назаримизда, қудуқлар ҳам кавланиб кетадигандек...

Хуллас, «иш битди» дея кўнгил хотиржам бўлиб, колхоз правлениесига йиғилган ҳужжатларни кўрсатиб, бир оз мақтангандек ҳам бўлдингу, шаҳри азим Тошкент сари парвоз қилдик. Рост гап, «Узгипросельводоснабжение» раҳбарлари бизни қучоқ очиб кутиб олишади, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлашга жазм қилган биздай фидойиларни елкасига қоқиб «баракалла» дейишади, деган хаёл ҳам калланинг аллақайси бурчакларида ғимирлайди. Хом сут эмган бандамиз-да!..

Бироқ ширин орзуларимиздан бино бўлган идиш маҳкамачиликнинг катта ҳарсанг-ларига энди рўбарў келган экан. Биринчи учрашувдаёқ мулойимлик билан бизга ташқарини кўрсатишди. Ташқарида эса республика сувбиқ Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигидай обрўли ташкилот салобат тўкиб турар, биз лойиҳа-смета ҳужжатларига буюртма бериш учун, аввало, шу министрликдан рухсат олишимиз лозим экан. «Ҳай, майли» дея бош қашиб министрликка қатнашга тушдик. Министрлик кўп қаватли бинода жойлашган, қаватларда эса кабинетлар кўп экан...

Хуллас, бир ярим-икки йил деганда тўққизта қудуқнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳам тайёр бўлди.

Қишлоқдагилар ширин сув умидида тамшанишди, момолар бизни алқаб турибди... Афсус, ҳамқишлоқлар тамшанганча қолаверди. Чунки лойиҳа-смета ҳужжатларини яйлов-мелиорация қурилиши идорасига олиб борганимизда яна ташқарига имо қилишди. Маълум бўлишича, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг 1983 йил 30 декабрдаги 354-буйруғига кўра биз сувдан фойдаланиш учун махсус рухсатнома ҳам олишимиз лозим экан. Бунинг учун эса яна ўндан ортиқ ташкилотнинг розилиги талаб қилинади. Бу сафар эски, таниш идоралар қаторига ўрмон хўжалиги, тоғ саноати ва, ҳатто... балиқчилик ташкилотлари ҳам қўшилди. Колхоз территориясида кавланадиган артезиан қудугига балиқчилик давлат ташкилотларининг нима алоқаси бор экан, ҳали ҳам тушунмайман. Ёки 200—300 метр чуқурликдаги ер ости ҳавзаларида «яшайдиган» балиқларнинг оромини бузармикинмиз?

Хуллас, бу мўътабар ташкилотларнинг серсавлат раҳбарлари ҳам чамбарагулчин имзоларини ҳужжатларга чекдилар. Область гидрогеология ва инженерлик геологияси партияси республика яйлов-мелиорация қурилиш ташкилотининг Фарғонадаги қурилиш-монтаж бошқармасига қудуқларни кавлашга рухсат берди.

Бироқ қурувчилар бу сафар ҳам негадир шошилмадилар. Маълум бўлишича, уларга яна бир ҳужжат — область агросаноат комитетининг қудуқ кавлатишга лимит ажратганлиги ҳақидаги маълумот ҳам керак экан. Энди лимит учун югур-югур бошланди.. Омад ёр бўлиб лимит ҳам ажратилди. Ўша куни хиёл енгил тортдик. Артезиан қудуқларидан шариллаб тушаётган зилол сув шабадаси юзга урилгандек бўлди. Аҳоли янги челаклар сотиб олди. Афсуски, челаклар яна жойида, зилол сув шабадаси эса хаёлдагина қоларди.

Қурувчилар бир йил ичида саккизта қудуқ қазишга материал етишмаслигини рўкач қилиб атиги иккита қудуқ кавлашларини айтишди. Хўш, нима бўпти, келаси йили қолганини кавлашади-да, дейишингиз мумкин. Лекин бунинг бир «лекини» бор. Биз уч йил давомида югуриб йиққан ҳужжатларда қудуқлар бир йил муддат ичида кавланиши шартлиги кўрсатилган. Агар шу муддат ичида қудуқлар қазилмаса, ер ости сув ҳавзасидаги сувнинг рухсат этилган ҳолати бузилармиш. Бунда эса сувдан қайта анализ олиш лозим бўлар экан. Бунинг учун... яна ишни бошдан бошлаш, ўша ўзимиз қайта-қайта кирган кабинетларга яна қатнашга тўғри келаркан.

Тарвузларимиз қўлтиғимиздан тушиб чилпарчин бўлди. Маҳкамачилик гирдоби, сансалорлик туфайли қишлоқ аҳлининг умиди пучга чиқди. Менга эса ўтириб редакцияга мана шу сансалорлик солномасини йўллашдан ўзга илож қолмади. Шояд, бу солномани ўқиганлар бизга, баракалла, дейишса? Эҳтимол, мутасадди акахонлар ҳам арзимизни тинглаш ва ортиқча сансалорликсиз ишларимизни ҳал қилиш чораларини кўришар?!

Қаюмжон УМАРРАСУЛОВ,
Олтинариқ районидаги «Ўзбекистон» колхози гидротехниги.

Муҳаррир
У. УСМОНОВ.

• Реклама ва эълонлар •

Ўзбекистон ССР Госснабининг
РЕСПУБЛИКА КОММЕРЦИЯ-АХБОРОТ МАРКАЗИ
Тошкент шаҳрида

1989 ЙИЛ 19 ИЮЛДАН БОШЛАБ 21 ИЮЛГАЧА

маҳсулотлар етказиб бериш юзасидан хўжаликлар ўртасида алоқалар ўрнатиш ва корхоналар ўртасида шартномалар тузиш, корхоналар ва ташкилотлар томонидан янги маҳсулотларни реклама қилиш ва халқ талабини ўрганиш бўйича

РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ САНОАТ ЯРМАРКАСИНИ ЎТКАЗАДИ

1989 ЙИЛ 20 ИЮЛЬ СОАТ 11.00 ДА

КАТТА ЭҲТИЁЖ СЕЗИЛГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНИКА МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ БЎЙИЧА

КИМ ОШДИ САВДОСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ярмарка ва ким ошди савдоси ишида қатнашиш учун саноат ва қишлоқ хўжалиги бирлашмалари, корхоналар, қурилишлар, кооперативларнинг вакиллари ва хусусий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи кишилар таклиф қилинадилар.

Ярмарка-ким ошди савдоси қуйидаги адресда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти, 45-уй. Кооператорлар уйи.

Ярмарка-ким ошди савдосида қатнашиш ва меҳмонхоналардан жойлар банд қилиб қўйиш учун буюртмаларни қуйидаги адресга беришларингизни сўраймиз: 700038, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-уй.

Справкалар учун телефонлар — 41-11-20, 41-32-71.

ҚАРШИ ТАЖРИБА РЕМОНТ-МЕХАНИКА ЗАВОДИ

К-700, К-701, Т-150 трактори, станоклар ва электр асбоб-ускуналари, подшипникларга эҳтиёт қисмларини

СОТАДИ

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 730000, Қарши шаҳри, 44-абонемент қутиси. Телефон — 4-55-37.

«Энергосетьпрокат»нинг

ЎРТА ОСИЁ БЎЛИМИ

Ишлаб турган ЕС-1052 ЭҲМ комплектини

СОТАДИ

Комплектга: 6 та НМД х 29 мбайт, 8 та НМЛ, ЕС-7920 дисплей комплекси киради.

Комплектнинг тахминий баҳоси 200.0 минг сўм.

Телефонлар — 55-47-54, 55-46-09, 55-52-47.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги коллегияси, партия ва касаба союз ташкилотлари баланслар, моддий-техника таъминоти ва сотиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Б. О. Ҳакимовга отаси

Ориф ҲАКИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг математика институти коллективи илмий ходими В. Эшдавлатовга отаси

Эшдавлат ҚОДИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТВ: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

17 ИЮЛЬ, ДУШАНБА

ЎзТВ-I. 15.00 Мильтфильм. 15.45 «Паспортсиз киши». Бадиий фильм. 17.20 Телефильм. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Қўғирчоқ фильм. 18.30 Колокольчик. 19.00 Футбол. СССР кубоги. «Помир» — «Пахтакор». 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Ижодий учрашувлар.

МТ-I. 19.00 Футбол шарҳи. 19.30 1989 йил қўшиқлари. 19.45 Миллатлараро муносабатлар. 20.15 «Океандаги оролдар». Телеспектакль. 21.30 Время. 22.05 Телеспектаклнинг давоми. 23.35 Концерт. 00.10 Дунё воқеалари.

МТ-II. 19.00 Янгиликлар. 19.10 Ҳужжатли фильм. 19.30 Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 От спорти. 21.30 Время. 22.05 «Чиора». Бадиий фильм. 23.30 Янгиликлар.

18 ИЮЛЬ, СЕШАНБА

ЎзТВ-I. 15.00 «Эркаклар ёзи». Бадиий фильм. 16.30 «Сабантўй». 17.20 Телефильмлар. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Қўғирчоқ фильм. 18.20 «Ёшлик». 19.20 Давра суҳбати. 20.00 Ахборот. 20.20 Ўзбекистоннинг доривор ўсимликлари. 21.00 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Реклама. 22.30 Ҳамшаҳарлар.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 9.35 «Океандаги оролдар». Телеспектакль. 12.20 Бу бўлган, бўлганди... 16.05 Ҳужжатли фильм. 16.45 Мультфильмлар. 16.50 Музикали учрашувлар. 17.35 Ҳужжатли фильм. 18.05 Адигей халқ ижоди. 18.45 Мультфильмлар. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Ҳужжатли фильмлар. 20.45 Киноконцерт. 21.30 Время. 22.05 Концерт. 23.40 Дунё воқеалари. 23.55 «Қайтиш». Ю. Любимов.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.45 СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 10.15 А. С. Пушкин лирикаси. 10.55 Француз тили. 12.00 Янгиликлар. 12.10 Француз тили. 12.40 Киножурнал. 12.50 «Қора денгиз тўлқинлари». Бадиий фильм, 1-серия. 14.00 Ритмик гимнастика. 14.30 «Чиора» Бадиий фильм. 17.35 Янгиликлар. 17.45 «Каспий, яшаш муҳити». 18.30 Фильм-концерт. 19.15 Мультфильм. 19.25 Ритмик гимнастика. 19.55 Давр ҳақида ва ўзим ҳақимда. 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.30 СССР Олий Совети сессиясида. 21.30 Время. 22.05 «Бой маҳаллалар». Бадиий фильм, 1-серия. 23.35 Тонгги почта. 00.05 Янгиликлар.

19 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА

ЎзТВ-I. 15.00 Фильм-концертлар. 15.40 «Фалокат оёқ остида». Бадиий фильм. 17.15 «Беҳаловат малика». Спектакль. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Камалак. 19.00 «Орол-89». 19.30 Ишонч меридиани. 20.00 Ахборот. 20.15 Халқлар дўстлиги— адабиётлар дўстлиги. 20.50 О. Ҳайитова куйлайди. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 «Кувноқлар ва зукколар».

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 9.35 Киноконцерт. 10.20 Ҳужжатли фильм. 10.50 Киносаёҳатчилар клуби. 11.50 Камалак. 16.05 Музикали хазина. 16.45 «Малявкин ва компания». Бадиий фильм, 1-серия. 17.50 Тарих ва ҳозирги замон. 18.35 Мультфильм. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Никарагуанинг миллий байрами. 20.30 Адабий-бадиий видеоканал. 1-қисм. 21.30 Время. 22.05 Адабий-бадиий видеоканал. 2-қисм. 23.40 Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Ҳужжатли фильм. 9.35 Чашмалар. 10.10 Адабий ўқиш. 10.45 Мультфильм. 10.55 Немис тили. 11.25 Фильм-концерт. 12.00 Янгиликлар. 12.10 Немис тили. 12.40 Ҳужжатли фильм. 12.55 «Қора денгиз тўлқинлари». Бадиий фильм, 2-серия. 14.00 Концерт. 17.35 Янгиликлар. 17.45 Арманистон СССР Давлат телерадиоси. 19.15 Мультфильм. 19.25 Омск симфоник оркестри чалади. 20.00 Давр ҳақида ва ўзим ҳақимда. 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.30 СССР Олий Совети сессиясида. 21.30 Время. 22.05 «Бой маҳаллалар». Бадиий фильм, 2-серия. 23.25 Янгиликлар.

20 ИЮЛЬ, ПАЙШАНБА

ЎзТВ-I. 15.00 «Курьер». Бадиий фильм. 16.30 Телефильм. 17.30 Фильм-концерт. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Ешлик. 19.15 Ижод саҳифалари. 20.00 Ахборот. 20.20 Илғор тажриба мактаби. 20.50 Ёш ижрочилар концерти. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Кинокўрсатув.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 9.35 Шимол, Сибирь ҳамда Узоқ Шарқ халқлари миллий санъати байрами. 10.05 Ҳужжатли фильм. 10.55 Фильм-концерт. 11.25 Инсон. Ер. Коинот. 16.05 Белорус қўшиқлари. 16.20 Болалар учун фильм. 17.25 Компьютер билан мулоқот. 18.10 Ҳужжатли фильм. 18.20 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.05 Дунё воқеалари. 19.20 Ҳужжатли фильм. 20.25 «Детектив ўйин». Телеспектакль. 21.30 Время. 22.05 «Виз бўлмасак, ким?» 22.30 Испан операсининг юлдузлари. 23.20 Дунё воқеалари. 23.35 Аккордеон жаноби олийлари.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.45 Музикали программа. 10.20 Адабий ўқиш. 10.55 Испан тили. 11.25 Мультфильмлар. 12.00 Янгиликлар. 12.10 Испан тили. 12.40 Ҳужжатли фильм. 12.50 «Қора денгиз тўлқинлари». Бадиий фильм, 3-серия. 14.00 Туркманистон ССР музикали фольклорининг концерти. 14.30 Рус тили. 17.30 Янгиликлар. 17.45 Украина ССР Давлат телерадиоси. 18.30 Бизнинг фондимиздан. 19.15 Мультфильм. 19.45 Концерт. 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.30 СССР Олий Совети сессиясида. 21.30 Время. 22.05 «Бой маҳаллалар». Бадиий фильм, 3-серия. 23.40 Янгиликлар.

21 ИЮЛЬ, ЖУМА

ЎзТВ-I. 15.00 «Дубравка». Бадиий фильм. 16.15 Кинопрограмма. 17.00 Қувноқ стартлар. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Мультфильмлар. 18.45 Иқтисодий билимлар мактаби. 19.10 Қадрият. 19.40 Концерт. 20.00 Ахборот. 20.20 Ёзда парваришига — аъло сифат. 20.55 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Реклама. 22.30 «Парвоздаги тўрна». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 9.45 «Овулдаги сарой». 10.10 Ҳужжатли фильм. 10.35 «Детектив ўйин». Спектакль. 11.40 Концерт. 16.05 Ҳужжатли фильмлар. 16.45 Мультфильмлар. 17.05 Концерт. 17.25 Бельгиянинг миллий байрами. 18.30 Импульс. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Мультфильм. 19.45 Биргаликда куйлайлик. 21.30 Время. 22.05 «Қалб қашшоқлиги». Бадиий фильм. 23.30 Бу бўлган, бўлганди... 23.50 Дунё воқеалари. 00.05 «Шайтон гилдираги».

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 Концерт. 10.25 Мультфильмлар. 10.55 Инглиз тили. 11.25 Ҳужжатли фильм. 12.00 Янгиликлар. 12.10 Қалб тўридан. 12.55 «Қора денгиз тўлқинлари». Бадиий фильм, 4-серия. 13.55 Концерт. 14.15 Инглиз тили. 14.45 Ритмик гимнастика. 17.35 Янгиликлар. 17.45 «Хавфли одам». Бадиий фильм. 18.55 Мультфильм. 19.05 Ритмик гимнастика. 19.35 Ҳужжатли фильмлар. 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.30 СССР Олий Совети сессиясида. 21.30 Время. 22.05 Футбол. «Динамо» (Тб) — «Торпедо». 23.50 Янгиликлар. 00.10 «Хавфли одам». Бадиий фильм.

22 ИЮЛЬ, ШАНБА

ЎзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Шанба экрани. 10.40 Спорт программаси. 11.40 «Қиролнинг дилхуши». Видеоспектакль. 13.20 Ойнаи жаҳон перископи. 14.05 Уй қандай қурилади. 14.35 Рассом ва китоб. 15.20 Офат ва нажот. 18.00 Мультфильм. 18.20 Тенгдошлар. 19.10 «Она қалби». Теленовелла. 20.00 Ахборот. 20.20 Сиҳатсаломатлик. 20.50 Мусиқа жавони. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Мақом кечаси.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Уй академияси. 9.35 Экологик программа. 10.35 Концерт. 11.25 Дунё воқеалари. 11.40 Ҳужжатли фильм. 13.45 1989 йил қўшиқлари. 14.00 Асосий масалага тўхталсак. 15.35 Социализм мамлакатларида. 16.00 Музикали дақиқа. 16.40 ПХР телевидениесининг программаси. 18.40 Аёл ҳаётидан ўн беш дақиқа. 18.55 Халқаро программа. 19.55 «Шундай йигит яшайди». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.05 Сиз бунга қодирсиз. 22.35 Мультфильмлар. 23.05 Музикали ринг.

МТ-II. 8.30 Гимнастика. 8.45 Қишлоқ янгиликлари. 9.50 Мультфильм. 10.25 «Варбод бўлган экспедиция». Бадиий фильм, 1-серия. 11.30 Информацион кўрсатув. 11.45 «Варбод бўлган экспедиция». Бадиий фильм, 2-серия. 12.50 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 13.35 Пенза телевидение студиясининг программаси. 14.10 Болалар учун фильм 15.15 Замонавий музика. 16.10 Футбол. «Жальгирис» — «Днепр». 17.00 Спорт ҳамма учун. 17.15 Мультфильм. 17.25 Янгиликлар. 17.35 Миллатлараро муносабатлар. 19.20 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 20.05 Концерт. 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.30 СССР Олий Совети сессиясида. 21.30 Время. 22.05 «Тавакналга ўрин йўқ». Бадиий фильм. 23.20 Янгиликлар. 23.30 Музикали кўрсатув.

23 ИЮЛЬ, ЯКШАНБА

ЎзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Телефильм. 10.30 Биргаликда куйлаймиз. 10.55 Спорт программаси. 12.00 Китоб бизнинг дўстимиз. 12.40 Давр тақозоси билан. 12.55 Дўстлик тароналари. 13.25 Ижодкор-новатор ўқитувчилар билан учрашув. 14.25 Сиз севган қаҳрамонлар. 15.25 Реклама. 18.00 Болалар учун фильм. 18.40 Санъат гунчалари. 19.25 Илмий-оммабоп программа. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.35 Киноланҳа. 20.50 Дам олиш концерти. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 «Олтин маъбуда». Бадиий фильм.

МТ-I. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 Спортлото. 9.30 Эрта саҳарлаб. 10.30 Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.30 Тонгги почта. 12.00 Дунё бўйлаб. 13.00 Болалар учун фильм. 14.10 Мультфильм. 14.30 Музикали киоск. 15.00 Здоровье. 15.45 Мисрнинг миллий байрами. 16.45 Камалак. 17.10 Мультфильм. 17.30 Қишлоқ янгиликлари. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Якшанба кинозали. 20.10 «Осиё». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.05 Салом, доктор! 22.20 Совет қўшиқлари фестивали.

МТ-II. 8.30 Зарядкага сафланинг! 8.45 Фильм-концерт. 9.20 «Хавфли одам». Бадиий фильм. 10.30 Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар. 11.30 Акс-садо. 11.45 Ҳужжатли фильмлар. 12.05 Фильм-концерт. 13.35 СССР ИИМ хабар қилади. 13.45 Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг. 15.35 Она-замин ташвишида. 16.40 Вокал санъати Бутунроссия фестивали. 17.40 Сизни МТ ёшлар редакцияси таклиф этади. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Сизни МТ ёшлар редакцияси таклиф этади. 21.30 Время. 22.05 Салом, доктор! 22.20 «Бўса» Бадиий фильм. 23.25 Янгиликлар. 23.35 Сизни МТ ёшлар редакцияси таклиф этади. 00.10 Волейбол. Халқаро турнир.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.